

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ

ЭЛЕКТР ЭНЕРГЕТИКА

йўналиши

“ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ НАЗОРАТИНИНГ
АВТОМАТЛАШТИРИЛГАН ТИЗИМЛАРИ”

модули бўйича

ЎҚУВ – УСЛУБИЙ МАЖМУА

ТОШКЕНТ - 2018

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

**ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ НАЗОРАТИНИНГ АВТОМАТЛАШТИРИЛГАН
ТИЗИМЛАРИ**

модулидан

ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА

Ишлаб чиқди: т.ф.н., доц. Д.А.Рисмухамедов

Тошкент 2018

Мазкур ўқув-услубий мажмуа Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 201__ йил “_____” даги _____ - сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди.

Тузувчи: ТДТУ, т.ф.н., доц. Д.А.Рисмухамедов

Тақризчилар:

Э.Х. Абдураимов - ТДТУ ”Электротехника“ кафедраси доценти, т.ф.н.
С. Ф. Амиров – ТТЙМИ “Темир йўл электр таъминоти” кафедраси мудири, т.ф.д., профессор.

Ўқув -услубий мажмуа Тошкент давлат техника университети Кенгашининг 201__ йил _____ даги _____ - сонли қарори билан фойдаланишга тавсия қилинган.

I.ИШЧИ ДАСТУР МОДУЛНИНГ МАҚСАДИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

«Электр энергияси назоратининг автоматлаштирилган тизимлари» модулининг мақсади:

тингловчиларда электр энергияси назоратининг автоматлаштирилган тизимлари фанини ўқитишида инновацион ёндашувларини шакллантириш, ўқув жараёнидаги муаммоларни хал этиш стратегиялари асосида фаолиятни ташкил этишга оид билим, кўникма ва малакаларини такомиллаштиришдан иборат.

«Электр энергияси назоратининг автоматлаштирилган тизимлари» модулининг вазифалари:

Электр энергияси назоратининг автоматлаштирилган тизимлари (ЭНАТ) асосий тушунчалари, иктисодий ва техник ЭНАТ, уни амалга ошириш, саноат корхоналарида ЭНАТни куриш ва ташкил этиш билан баглик барча масалаларга оид кўникмаларни шакллантириш;

“Электр энергетика” йўналиши ўқитувчиларининг мутахассислик фанларини ўқитишида касбий компетентлигини ривожлантириш;

“Электр энергетика” йўналиши фанларини ўқитишида фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини таъминлаш.

МОДУЛ БЎЙИЧА БИЛИМЛАР, КЎНИКМАЛАР, МАЛАКАЛАРГА ҚЎЙИЛАДИГАН МАЛАКА ТАЛАБЛАРИ

Кутилаётган натижалар: Тингловчилар “Электр энергияси назоратининг автоматлаштирилган тизимлари” модулини ўзлаштириш орқали қуйидаги билим, кўникма ва малакага эга бўладилар:

Тингловчи:

-“Электр энергияси назоратининг автоматлаштирилган тизимлари” фани ривожидаги энг сўнги ўзгаришлар ва ривожлантиришнинг истиқбол режалари;

- - энергия истеъмолчиларининг дунёвий тақсимланишининг долзарб томонлари;

-энергетиканинг 2100 йилгача тараққиётининг башорати, табиат муҳофазасини халқаро бошқариш;

- Ўзбекистоннинг ёқилғи-энергетик мажмуаси, унинг таркиби ва мамлакат энергетик стратегияси масалалари ва истиқболлари;

- “Электр энергияси назоратининг автоматлаштирилган тизимлари” фан янгиликларни ўқув жараёнига олиб кириш масалалари;

- “Электр энергияси назоратининг автоматлаштирилган тизимлари” фанларини ўқитишида таълим жараёнига янги педагогик ва ахборот технологияларини татбиқ этишнинг илмий-амалий асослари;

- “Электр энергияси назоратининг автоматлаштирилган тизимлари” фойдаланиш методологиясини билиш;

“Электр энергияси назоратининг автоматлаштирилган тизимлари” фанларини ўқитиша илмий изланишларнинг базавий материаларидан фойдаланиш ҳақидаги етарли ***билимга*** эга бўладилар.

Тингловчи:

- энергияни ўзгартириш станцияларидан самарали фойдаланиш;
- энергияни аккумуляция қилиш тизимларидан фойдаланиш;
- энергияни бевосита ўзгартириш усулларидан фойдаланиш;
- энергияни ноанъанавий қайталанадиган манбалари, улардан самарали фойдаланиш бўйича керакли ***кўникма*** хосил қиладилар.

Тингловчи:

- Электр энергия ресурслари истеъмолини хисобга олишнинг автоматлаштирилган тизимларини жорий эта олиш;
- ЭНАТнинг техник ва тижорат асосидаги хисобларини чиқариш; техник асосида хисобга олиш тизимида электр энергия истеъмолини хисобга олиш;
- инсон ва ЭХМнинг функционал имкониятлари ва уларни таққослаш;
- саноат корхоналари ЭНАТнинг иктиносий самарадорлигини ошириш;
- дифференциаллашган тарифларнинг тадбиқ эта олиш;
- хисобга олиш аниқлигини ошириш бўйича малакаларга эга бўлади.

Тингловчи:

- Саноат корхоналари ЭНАТнинг иктиносий самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирла ишлаб чиқа олиш;
- Электр энергия ресурслари истеъмолини хисобга олишнинг автоматлаштирилган тизимларини жорий эта олиш муаамолларини ҳал этиш;
- ЭНАТнинг техник ва тижорат асосидаги хисобларини чиқариш йўлларини аниқлаш;
- инсон ва ЭХМнинг функционал имкониятлари ва уларни таққослаш бўйича компетенцияларга эга бўлиши лозим.

Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар

“Электр энергияси назоратининг автоматлаштирилган тизимлари” курси маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Курсни ўқитиши жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик технологиялар ва ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

- маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва электрон-дидактик технологиялардан;
- ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, ақлий ҳужум, гуруҳли фикрлаш, кичик гуруҳлар билан ишлаш, коллоквиум ўтказиш, ва бошқа интерактив таълим усулларини қўллаш назарда тутилади.

Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

“Электр энергияси назоратининг автоматлаштирилган тизимлари” модули ўқув режанинг махсус фанлар блокидаги “Энергетика ва энергия самарадорлик муаммолари” ва “Қайта тикланувчан ва мұқобил энергия манбаларидан фойдаланиш” модуллари билан узвий боғлиқдир. Шу билан бир қаторда модулни ўзлаштиришда ўқув режанинг бошқа блоклари фанлари билан муайян боғлиқлик мавжуддир.

Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Ўзбекистон Республикасининг энергетика тизимини замонавий юқори даражадаги самарадорликка эга бўлган жиҳозлар ва қурилмалар ҳисобига ривожлантириш, энергия ресурсларидан фойдаланиш, электр энергиясини ишлаб чиқариш, узатиш, тақсимлаш, ўзгартириш ва истеъмол қилишда юқори самарадорликка эришиш ўта долзарб масала ҳисобланади. Ушбу муаммони ҳал этишда биринчи навбатдаги вазифа замонавий талабларга жавоб берувчи мутахассисларни тайёрлаш ҳисобланади. Шу сабабли бундай мутахассисларни тайёрлаш учун ушбу соҳа бўйича таълим берувчи олий таълим тизими ўқитувчиларининг малакасини оширишда “Энергетика ва энергия самарадорлик муаммолари” фани алоҳида ўринни эгаллайди

Модул бирликлари бўйича соатлар тақсимоти: 22 соат

№	Мавзулар	Ўқув юкламаси, соат							Мустақил иш	
		Ҳаммаси	Жами	Аудитория ўқув юкламаси				Жумладан:		
				Назарий	Амалий	Тажриба алмашиш	Кўчма машгулот			
1	Электр энергияси назоратининг автоматлаштирилган тизими тушунчаси ва погоналари	2	2	2						
2	Ҳисоблагичлардан маълумотларни йигиши ва уларга ишлов бериш бўйича автоматик сурор ўтказилиш турлари	2	2	4						
3	Саноат корхоналарида электр энергияси назоратининг автоматлаштирилган тизимларини ташкил этиш	8	8	4	4			2		
4	Электр энергияси назоратининг автоматлаштирилган тизимларининг техник воситалари	10	10	4	4			2		
Жами		24	22	14	8			4		

НАЗАРИЙ МАШГУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-мавзу: Электр энергияси назоратининг автоматлаштирилган тизими тушунчаси ва погоналари.

Электр энергия назоратининг автоматлаштирилган тизими (ЭНАТ) тушунчаси. Погоналари. Электр энергия ресурслари истеъмолини хисобга олишнинг автоматлаштирилган тизимларини жорий этиш. ЭНАТнинг техник ва тижорат асосидаги хисоблари. Техник асосида хисобга олиш тизимида электр энергия истеъмолини хисобга олиш.

2-мавзу: Хисоблагичлардан маълумотларни йигиш ва уларга ишлов бериш бўйича автоматик суров ўтказилиш турлари

Хисоблагичлар маълумотларини йигиш канали. Тугри алока каналлари. Хисоблагичларнинг бирламчи ахборотлари. Маълумотларни йигиш ва унга ишлов бериш оркали хисоблагичларда автоматик суров ўтказилиши билан ЭНАТни ташкил этиш имкониятлари. Оптик порт оркали хисоблагичларда суров ўтказилиши билан ЭНАТни ташкил этиш. Интерфейс узгартиргичлари, мултиплексор ёки модем оркали хисоблагичларда суров ўтказилиши билан ЭНАТни ташкил этиш. Урта ва йирик кувватли саноат корхоналарида ёки энергетика тизими учун куп погонали ЭНАТни ташкил этиш. Бир турга мансуб бўлган ЭНАТ.

3-мавзу: Саноат корхоналарида электр энергияси назоратининг автоматлаштирилган тизимларини ташкил этиш.

Саноат корхоналарида электр энергияси назоратининг автоматлаштирилган тизимларини жорий этилишининг максадга мувофиқлиги. Автоматлаштирилган тизим ёрдамида бошкариш зарур бўлган шароитлар. Инсон ва ЭХМнинг функционал имкониятлари ва уларни таққослаш. Саноат корхоналари ЭНАТнинг иктисодий самарадорлиги. Корхона энергия истеъмолини ташкил этувчилари. Энергияни хисобга олиш-энергия тежамкорлиги учун восита. Кўп зонали тарифга ўтиш. Дифференциаллашган тарифларнинг тадбик этилиши. Хисобга олиш аниқлигини ошириш.

4-мавзу: Электр энергияси назоратининг автоматлаштирилган тизимларининг техник воситалари.

Бир ва уч фазали электрон хисоблагичлар. Кўп тарифлик. Кўп функциялийк. Хисоблагичларнинг уланиш схемалари. Ток ва кучланиш ўлчов трансформаторлари. Хисоблагичларни ток ва кучланиш ўлчов трансформаторлари оркали улаш. Ток ва кучланиш ўлчов трансформаторларини танлаш. Ток ва кучланиш ўлчов трансформаторларининг иккиламчи занжирларини монтаж килиш ва ишлатишга талаблар.

АМАЛИЙ МАШГУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1. ЭНАТнинг Altair JR диспачерлик дастурий таъминотини урганиш.

2. ЭНАТнинг электр тармоқ погоналарини ўрганиш

Таълимни ташкил этиш шакллари

Таълимни ташкил этиш шакллари аниқ ўкув материали мазмуни устида ишлаётганда ўқитувчини тингловчилар билан ўзаро ҳаракатини тартиблаштиришни, йўлга қўйишни, тизимга келтиришни назарда тутади.

Модулни ўқитиши жараёнида қуидаги таълимнинг ташкил этиши шаклларидан фойдаланилади:

- маъруза;
- амалий машғулот;
- мустақил таълим.

Ўкув ишини ташкил этиш усулига кўра:

- жамоавий;
- гурӯхли (кичик гурӯхларда, жуфтликда);
- якка тартибда.

Жамоавий ишлаш – Бунда ўқитувчи гурӯхларнинг билиш фаолиятига раҳбарлик қилиб, ўкув мақсадига эришиш учун ўзи белгилайдиган дидактик ва тарбиявий вазифаларга эришиш учун хилма-хил методлардан фойдаланади.

Гурӯхларда ишлаш – бу ўкув топширигини ҳамкорликда бажариш учун ташкил этилган, ўкув жараёнида кичик гурӯхларда ишлашда (2 тадан – 8 тагача иштирокчи) фаол роль ўйнайдиган иштирокчиларга қаратилган таълимни ташкил этиш шаклидир. Ўқитиши методига кўра гурӯхни кичик гурӯхларга, жуфтликларга ва гурӯхларора шаклга бўлиш мумкин. *Бир турдаги гурӯхли иши* ўкув гурӯхлари учун бир турдаги топширик бажаришни назарда тутади. *Табақалашган гурӯхли иши* гурӯхларда турли топширикларни бажаришни назарда тутади.

Якка тартибдаги шаклда - ҳар бир таълим олувчига алоҳида алоҳида мустақил вазифалар берилади, вазифанинг бажарилиши назорат қилинади.

БАҲОЛАШ МЕЗОНИ

	Баҳолаш мезони	Балл	Максимал балл
.	Кейс Мустақил иш	1.5 балл 1.0 балл	2.5

II.МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

“АҚЛИЙ ҲУЖУМ” МЕТОДИ

Метод талабаларни мавзу хусусида кенг ва ҳар томонлама фикр юритиш, ўз тасаввурлари, ғояларидан ижобий фойдаланишга доир қўнимка, малакаларни ҳосил қилишга рағбатлантиради. У ёрдамида ташкил этилган машғулотларда ихтиёрий муаммолар юзасидан бир неча оригинал (ўзига хос) ечимларни топиш имконияти туғилади. Метод мавзу доирасида маълум қарашларни аниқлаш, уларга муқобил ғояларни танлаш учун шароит яратади.

Уни самарали қўллашда қуйидаги қоидаларга амал қилиш лозим:

Талабаларнинг ўзларини эркин ҳис этишларига
шароит яратиб бериш, ғояларни ёзиш бориши учун

Муаммо (ёки мавзу)ни аниқлаш

Машғулот жараёнида амал қилинадиган шартларни белгилаш

Билдирилаётган ғояларни уларнинг муаллифлари
ТОМОНИДАН

асослаништига энтиплит ва уларни ёзиб оптип көғозпяр ғоя

Билдирилган фикр, янги ғояларнинг турлича ва кўп миқдорда
бўлишига эътибор қаратиш

Талабанинг бошқалар билдирган фикрларни ёдда
сақлаши, уларга таяниб янги фикрларни билдириши
ва улар асосида муайян хулосаларга келишига

Талабалар томонидан мустақил фикр юритилиши, шахсий
фикрларнинг илгари сурилиши учун қулай муҳит яратиш

Илгари сурилган ғояларни янада бойитиш

Машғулотда методни қўллашда қуйидагиларга эътибор қаратиш лозим:

Ўқувчи (талаба)ларни муаммо доирасида кенг фикр юритишга ундаш, улар томонидан мантиқий фикрларнинг билдирилишига эришиш

Ҳар бир ўқувчи (талаба) томонидан билдирилаётган фикрлар рағбатлантирилиб борилади, билдирилган фикрлар орасидан энг мақбуллари танлаб олинади; фикрларнинг рағбатлантирилиши навбатдаги янги фикрларнинг туғилишига олиб келади

Ҳар бир ўқувчи (талаба) ўзининг шахсий фикрларига асосланиши ва уларни ўзгартириши мумкин; аввал билдирилган фикрларни умумлаштириш, туркумлаштириш ёки уларни ўзгартириш илмий асосланган фикрларнинг шаклланишига замин ҳозирлайди

Машғулотда ўқувчи (талаба)лар фаолиятини стандарт талаблар асосида назорат қилиш, улар томонидан билдириладиган фикрларни баҳолашга йўл кўйилмайди (зеро, фикрлар баҳоланиб борилса, ўқувчи (талаба)лар диққатларини шахсий фикрларни ҳимоя қилишга қаратади, оқибатда янги фикрлар илгари сурилмайди; методни қўллашдан кўзланган асосий мақсад ўқувчи (талаба)ларни муаммо бўйича кенг фикр юритишга ундаш эканлигини ёдда тутиб, уларни баҳолаб боришдан воз кечишидир)

Ақлий ҳужум методининг мавзуга қўлланилиши: Фикрлаш чун бериладиган саволлар:

1. Электр энергияси ҳисоблагичлари нима учун мўлжалланган?
2. Бир ва уч фазали электр энергияси ҳисоблагичларининг қўлланилиш соҳалари?
3. Бир ва уч фазали электр энергияси ҳисоблагичларининг ДТи нималардан иборат?
4. Ҳисоблагич схемасида қандай белгиланишлар қабул қилинади?
5. Бир ва уч фазали ҳисоблагичнинг техник характеристикаларини санаб ўтинг?
6. Ҳисоблагич клавиатураси орқали қандай ишлар бажарилади?
7. Электр энергияси ҳисоблагичларининг қандай иш режимлари бор?
8. ЭНАТнинг техник воситаларига нималар киради?
9. ТТ моделларини танлаш нималарга боғлиқ?

“Резюме” методи

“Резюме” методи- мураккаб, кўп тармоқли мумкин қадар муаммоли мавзуларни ўрганишга қаратилган. Унинг моҳияти шундан иборатки, бунда бир йўла мавзунинг турли тармоқлари бўйича ахборот берилади. Айни пайтда уларнинг ҳар бири алоҳида нуқталардан муҳокама этилади. Масалан: ижобий ва салбий томонлари афзаллик ва камчиликлар, фойда ва заарлар белгиланади. Ушбу методнинг асосий мақсади таълим олувчиларнинг эркин, мустақил, таққослаш асосида мавзудан келиб чиқкан ҳолда ўкув муаммосини ечимини топишга ҳам керакли хулоса ёки қарор қабул қилишга, жамоа ўз фикрини билан таъсир этишга, уни маъқуллашга, шунингдек, берилган муаммони ечишга мавзуга умумий тушунча беришда ўтилган мавзулардан эгалланган билимларни қўллай олиш ўргатиш.

Мавзуга қўлланилиши: Маъруза дарсларида, семинар, амалий ва лаборатория машғулотларни якка ёки кичик гуруҳлар ажратилган тартиб ўтказиш, шунингдек, ўйга вазифа беришда ҳам қўллаш мумкин. Машғулот фойдаланилдиган воситалар: А-3, А-4 форматдаги қоғозларида (гуруҳ сонига қараб) тайёрланган тарқатма материаллар маркерлар ёки рангли қаламлар.

“Резюме” методини амалга ошириш босқичлари:

- Таълим берувчи таълим олувчиларнинг сонига қараб 3-4 кишидан иборат кичик гуруҳ ажратилади;
- Таълим берувчи машғулотнинг мақсади ва ўтказилиш тартиби билан таништиради ва ҳар бири кичик гуруҳ қоғознинг юқори қисмига ёзув бўлган яъни асосий вазифа, унда ажратилган ўкув вазифалари ва уларни ечиш йўллари белгиланган, хулоса ёзма баён қилинадиган варажларни тарқатади;
- Ҳар бир гуруҳ аъзолари топшириқ бўйича уларнинг афзаллиги ва камчиликларини аниқлаб, ўз фикрларини маркерлар ёрдамида ёзма тарзда баён этадилар. Ёзма баён этилган фикрлар асосида ушбу муаммонинг ечимини топиб, энг мақбул вариант сифатида умумий хулоса чиқарадилар;
- Кичик гуруҳ аъзолари бири тайёрланган материалнинг жамоа номидан тақдимот этади. Гуруҳнинг ёзма баён этган фикрлари ўқиб эшигтиради, лекин хулоса қисми билан таништирилмайди;
- Таълим берувчи бошқа кичик грухлардан тақдимот этган гуруҳнинг хуносасини сўраб, улар фикрини аниқлайди ва ўз хуносалари билан таништиради;
- Таълим берувчи гуруҳлар томонидан берилган фикрлар ёки хуносаларга изоҳ берив, уларни баҳолайди, сўнги машғулотни якунлайди.

Методнинг мавзуга қўлланилиши:

ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ НАЗОРАТИНИНГ АВТОМАТЛАШТИРИЛГАН ТИЗИМИ

ТИЖОРАТ ЭНАТ		ТЕХНИК ЭНАТ	
Афзаллиги	Камчилиги	Афзаллиги	Камчилиги
Хулоса:			

III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

1. МАВЗУ: ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ НАЗОРАТИНИНГ АВТОМАТЛАШТИРИЛГАН ТИЗИМИ ТУШУНЧАСИ ВА ПОГОНАЛАРИ.

РЕЖА:

1.Электр энергияси назоратининг автоматлаштирилган тизимининг тушунчаси ва вазифаси.

1.Электр энергияси назоратининг автоматлаштирилган тизимининг погоналари.

1. ЭНАТ пағоналарининг алоқа турлари

1. ЭНАТ ни жорий этиш – энергия ишлаб чиқариш самарадорлиги-нинг зарурий шарти.

1. Тижорат ва техник ЭНАТ

Таянч сўз ва иборалар: Энергетика, энергетик ресурслар, электр энергияси, автоматлаштирилган тизим, ЭХМ, маълумотларни узатиш тармоғи, дастурий таъминот, ҳисоблагичлар, мултиплексор, маълумотлар базасини, коммутатсияланадиган телефон каналлари, ажратилган телефон каналлари, GSM, GPRS, радиоканаллар, бирламчи ўлчаш асбоблари, маълумотларни йиғиши ва тарқатиши қурилмалари, тижорат ва техник ЭНАТ.

1.1.Электр энергияси назоратининг автоматлаштирилган тизимининг тушунчаси ва вазифаси

Энергия ресурсларининг ривожланган савдоси маълумотларни ўлчаш, йиғиш ва қайта ишлаш босқичларида инсон иштирокини минимумга олиб келадиган ва энергия ресурсларини етказиб берувчи томонидан ҳам, истеъмолчи томонидан ҳам турли тариф тизимларига ишончли, аниқ ва ихчам мослаштирилган автоматлаштирилган тизимли энергияни ҳисоблашдан фойдаланишга асосланган тизимларни тадбиқ этишни талаб қилмоқда. Шу мақсадда истеъмолчилар ҳамда таъминотчи корхоналар ўз обектларида ЭНАТни ташкил қиласидар.

ЭНАТ бу – назорат-ўлчов қурилмалари, алоқа коммуникатсиялари (маълумотларни узатиш тармоғи), ЭХМ ва дастурий таъминот (ДТ) дан ташкил топган энергия истеъмоли жараёнини автоматик бошқариш ва автоматик ҳисобга олишни ташкил этиш учун мўлжалланган техник ва дастурий воситалар мажмуидир.

ЭНАТ қўйидагиларга имкон беради:

электр энергияси бозори субектлари билан маълумотлар алмашинувини автоматлаштириш;

электр энергияси бозори субектлари ва истеъмолчилари билан ҳисоб-китобларни автоматлаштириш;

электр энергиясини ҳисобга олишнинг ишончлилигини ва тезкорлигини оширишга эришиш;

электр энергетик тизимларнинг техник ҳолатларининг автоматик назорат қилинишини таъминлаш;

истеъмолчилар ўртасида энергия ва қувват тақсимланишининг турли бошқариш схемаларини ишлатиш;

корхонанинг иш самарадорлигини ошириш.

ЭНАТ таркибига қуйидагилар киради:

электр энергия ва қувват ҳисоблагичлари (рақамли, интерфейсли ёки импулс чиқишли);

маълумотларни йиғиш ва узатиш қурилмаси (мултиплексорлар, телесумматорлар ва бошқалар);

коммуникатсиялар (коммутатсияланадиган телефон каналлари, ажратилган телефон каналлари, GSM, GPRS, радиоканаллар ва бошқалар);

алоқа аппаратуралари (модемлар, радиомодемлар, мултиплексорлар ва бошқалар);

маҳсус ДТ ўрнатилган ЭҲМ (истеъмолчилар ҳисоблагичларидан маълумотларни йиғиши ва таҳлил қилиш ҳамда бошқа корхоналар ёки электр энергиясини етказиб берувчи билан ўлчов маълумотларини алмаштириш учун).

ЭНҲАТнинг ДТи қуйидаги тизимлардан иборат:

маълумотлар базасини (МБ) ва ҳисоблагичлар кўрсаткичларини бошқариш тизими;

алоқа ва куч истеъмолчилари линияси бўйича ҳисоблагичларни автоматик сўров тизими;

электр ҳисоблагичларнинг параметрларини график кўринишда акс эттириш тизими;

маълумотларни таҳлил қилиш тизими;

комплекс маълумотлар базасининг автоматлаштирилган тизими.

ЭНАТ функсиясига қуйидагилар киради:

электр энергияси ҳақида маълумотларни ёзиш;

ҳисоблагичлардаги архив ёзувлар ва тизимнинг ўз-ўзини автоматик текшириш маълумотларини сақлаш ва назорат қилиш;

концентратор, терминал ва ҳисоблагич параметрларини ўрнатиш;

масофадан ўқиши, электр таъминотини узиш/улашни назорат қилиш ва истеъмол даражасини назорат қилиш;

автоматик ва автоматик бўлмаган сўров;

линиялардаги исрофлар ва электр энергияси ўғирланишларининг олдини олиш;

оператор ваколатларини чеклаш;


нормал бўлмаган жараёнлар ҳақида ҳисобот;

тақсимлаш тармоғининг схемасини акс эттириш;

хар бир фаза маълумотларини ҳисобга олиш ва ҳар бир фаза бўйича мувозанатнинг бузилиш ҳолатларини аниқлаш; кўп тарифлилик; турли ҳодисалар ҳақида автоматик огоҳлантириш; истеъмол қуввати даражасини назорат қилиш; барча маълумотларни излаш ва чиқариш.

1.2. Электр энергияси назоратининг автоматлаштирилган тизимининг погоналари

Умумий ҳолда ЭНАТ тузилмасини қуидаги тўртта поғонага ажратиш мумкин (1.1-расм):



1.1-расм. ЭНАТ поғоналари

биринчи поғона – ҳисобга олиш нуқталари бўйича истеъмолчиларнинг электр энергияси параметрларини (электр энергияси, қуввати истеъмоли ва бошқалар) ўлчашни ўртacha минимал интервалли ёки узлуксиз амалга ошириладиган телеметрик ёки рақамли бирламчи ўлчаш асбоблари (БЎА) (ҳисоблагичлар);

иккинчи поғона – берилган сиклда бутун сутка давомида худудий тақсимланган БЎА дан ўлчаш маълумотларини йиғиш, қайта ишлаш ва юқори погоналарга узатишни амалга оширадиган махсус ўлчов тизимлари ёки энергияни ҳисобга олишни ўрнатилган ДТ кўп функцияли дастурланадиган ўзгартиргичлари бўлган маълумотларни йиғиш ва тарқатиш қурилмалари (МИТҚ);

учинчи поғона – МЙТҚ дан (ёки МЙТҚ гурухидан) ахборотларни йиғиш, бу ахборотларни ҳисобга олиш нұқталари бўйича ҳамда уларнинг гурухлари бўйича, яъни корхона бўлинмалари ва обектлари бўйича якуний қайта ишлаш, бош энергетик хизмати оператив персонали ва корхона раҳбарияти маълумотларни таҳлил этиши ва ечимни қабул қилиши (бошқариши) учун қулай бўлган кўринишда ҳисобга олиш маълумотларини акс эттирилиши ва хужжатлаштирилишини амалга оширадиган поғона. Бунда ЭНАТ махсус ДТ маълумотларини йиғиш ва қайта ишлаш маркази сервери ёки персонал компьютери (ПК) ёрдамида амалга оширилади.

тўртинчи поғона – учинчи поғона маълумотларини йиғиш ва қайта ишлаш марказлари ПК дан ёки серверлар гурухидан ахборотларни тизимлаштириш ва бирлаштиришни, бош энергетик хизмати оператив персонали ва худудий тақсимланган ўрта ва йирик қувватли корхоналар ёки энергия таъминоти корхоналари раҳбарияти таҳлил этиши ва ечимни қабул қилиши (бошқариши) учун қулай бўлган кўринишда ҳисобга олиш маълумотларининг акс эттирилиши ва хужжатлаштирилишини, энергия ресурсларини етказиб беришга шартномаларни олиб бориш ва энергия ресурсларига ҳисоблаш учун тўлов ҳужжатларини шакллантиришни амалга оширадиган поғона. Бунда ЭНАТ ДТи маълумотларни йиғиш ва қайта ишлашнинг марказий сервери ёрдамида амалга оширилади.

ЭНАТнинг барча поғоналари ўзаро алоқа каналлари ёрдамида боғланган. БЎА, МЙТҚ ёки маълумотларни йиғиш марказлари (МЙМ), поғоналари алоқалари учун стандарт интерфейслар (RS турдаги, ИРПС ва бошқалар) бўйича тўғридан- тўғри боғланиш ишлатилади. Учинчи поғона маълумотларини йиғиш марказий МЙТҚ лар, учинчи ва тўртинчи поғоналар маълумотларини йиғиш марказлари ажратилган коммутатсияланадиган алоқа каналлари бўйича ёки локал тармоқ бўйича уланиши мумкин.

Автоматлаштирилган иш жойига (АИЖ) қўйиладиган талаблар:

Протессор Pentium 4

Оператив хотира ҳажми - 256 Мб

Қаттиқ диск ҳажми - 40 Гб

CD-ROM нинг бўлиши

Мониторнинг бўлиши

Бўш СОМ портнинг бўлиши


Операцион тизим - Windows 2000/XP

Маълумотлар базаси дастури - MS SQL 2000

1.3. ЭНАТ пагоналарининг алоқа турлари

Тўғри симли алоқали ЭНАТ


Тўғри симли алоқа қўлланиладиган ЭНАТ схемаси энг содда ва енг кўп тарқалган ҳисобланади. Қурилмаларга кам сарф-харажат бўлганда корхона энергетиги реал вақт оралиғида барча сехлар ва бўлимлардаги электр энергия истеъмолини кузатиш имкониятига эга бўлади. Бундай схемалар асосан ўрта ва кичик қувватли корхоналар электр энергиясини техник ҳисобга олишни автоматлаштириш учун қўлланилди. Ҳисоблагичларни компьютерга улаш PC232/485 адаптер орқали стандарт ташки таъсирлардан ҳимояланган УТП5сат тармоқ кабели ёрдамида амалга оширилади. Бунда 32 тагача ҳисоблагичларни битта гурухда бирлаштириш мумкин, линиянинг узунлиги 1200 м гача, маълумотларни узатиш тезлиги 115200 кБ/с гача бўлиши мумкин.



1.2-расм. Тўғри симли алоқали ЭНАТ

Модем алоқали ЭНАТ

Модем алоқали ЭНАТни қуришда ҳар доим ҳам самарали ишлатилмайдиган АИЖ ҳамда электр энергияси ҳисоблагичи атрофида сифатли рақамли телефон линиясини бўлиши кўзда тутилади.




1.3-расм. Модем алоқали ЭНАТ

GSM модемли ЭНХАТ

GSM модемларда ЭНАТни қуриш жуда қулай ва бу схемалар осон ишлатилади. Бундай схема АИЖ дан ҳисоблагичлар қандай масофада

бўлишидан қатъий назар, электр энергиясини ҳисобга олишнинг автоматлаштирилган тизимини яратиш имкониятини беради. “Алтаир Жр” ДТ ҳамда GSM модем ўрнатилган исталган АИЖ ҳисоблагичларида маълумотларни олиш имконнини беради. Шундай қилиб, маълумотларни корхона энергетигининг ҳамда юқори поғоналардаги АИЖлардан маълумотларни олиш ва таҳлил қилиш имконияти яратилади.




1.4-расм. GSM модемли ЭНАТ

Маълумотларни узатиш модули асосидаги ЭНАТ

TC-485 маълумотларни узатиш модули асосидаги ЭНАТни куриш корхона энергетиги локал АИЖдан тўғри симли алоқали ЭНАТ бўйича ва вилоят энергия таъминоти корхонаси АИЖ дан GSM канали орқали ҳисоблагичларда сақланаётган ахборотлар тўғрисида маълумотларни олиш зарур бўлган ҳолларда оптимал ечим ҳисобланади.

Бундай ҳолларда корхонага замонавий GSM модемларни сотиб олиш зарурати ва GSM алоқага сарфларни қилиши керак бўлмайди.



1.5-расм. Маълумотларни узатиш модули асосидаги ЭНАТ

Бундан ташқари, ТС-485 маълумотларни узатиш модули “Энергия-9” маркали ҳисоблагичлари билан ишлаш учун мослаштирилган ва қўшимча созлаш ишларини ва ДТни талаб қилмайди. Бу эса ўз навбатида бу схемадаги ЭНАТни ишга тушириш харажатларини камайтиради.

1.4. ЭНАТ ни жорий этиш – энергия ишлаб чиқариш самарадорлигининг зарурий шарти

Таъкидлаш зарурки, ҳозирги кунда ишлатилаётган энергетик кўрсаткичларни ҳисобга олиш ва таҳлил қилиш тизимлари бир қатор камчиликларга эга. Масалан, ишлаб чиқаришнинг кўп соҳаларида энергетик кўрсаткичларни ҳисобга олиш ва таҳлил қилиш турли вақтларда маҳсус ўлчашлар йўли билан даврий равишда амалга оширилмоқда.

Табиийки, бундай ўлчашлар ҳар доим ҳам ҳисоблаш параметрларининг бутун ўзгаришлари динамикасини тўлиқ акс эттиrmайди ва уларнинг ўзгаришларидаги қонуниятларни аниқлаш имкониятини бермайди.

Ўзбекистон саноатининг турли соҳаларида бир қатор корхоналарида ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатди, мавжуд энергия ташувчилари ва энергетик ресурслари сарфини ҳисобга олишнинг ташкил этилишида улардан фойдаланишининг реал самарадорлигини етарлича аниқ баҳолашни амалга ошириш ва энергия ресурслари сарфларининг меъёрларини асос билан аниқлаш мумкин эмас.

Саноат корхоналарида энергия ресурслари сарфларини ҳисобга олиш ва назорат қилиш масаласи ҳолатини таҳлил қилиш шуни кўрсатди, бу масала етарли даражада ўз ечими топа олмай келмоқда. Масалан, кўплаб саноат корхоналарига хос бўлган энергия таъминоти тизимининг ўлчов ва назорат асбоблари билан таъминланганлик даражаси қониқарсиз аҳволда қолмоқда. Одатда барча корхоналар электр энергиясини тижорат асосида ҳисобга олиш имконига эга. Бироқ бу имконоятдан ҳар бир корхона самарали фойдалана олмаяпти.

Алоҳида ишлаб чиқариш сехларида, энергия йиғувчи агрегатлар ва технологик жараёнларда истеъмол қилинадиган энергия ресурсларини ҳисобга олиш барча корхоналарда ҳам амалга оширилмайди. Бундан ташқари, қоидага кўра, технологик жараёнда қўлланиладиган сиқилган ҳаво, азот, водород, сув ва бошқа шу каби алоҳида компонентларини ҳисобга олиш мавжуд эмас. Бу энергия ресурсларини мақсадли сарфланмаслигига олиб келади.

Барча ишлаб чиқариш объектларида ҳам энергия ресурсларини ҳисобга олиш ва назорат қилишининг автоматлаштирилган тизимлари етарли даражада жорий этилмаган ва самарасиз ишлатилмоқда. Одатда, бу тизимлар истеъмол қуввати, энергия сарфи ва энергия ташувчиларнинг бир неча кўрсаткичларини ҳисобга олади ва назорат қиласи. Шундай қилиб, бу тизимлар асосан ахборот тизимлари сифатида ишлатилади.

Лекин энергия тежамкорлигини бошқариш учун бу функсиялар етарли эмас. Чунки барча энергия ресурслари турларининг истеъмоли хақида олинган ахборотлар асосида энергия истеъмоли бўйича энергияни тежашни оптималь бошқаришнинг асосий масалаларини ечиб бўлмайди.

Ҳозирги кунда МДХ давлатларидаги саноат корхоналарида ҳам конструктив элементлари, ҳам функсиялари бўйича катта хилма-хиллик

билин характерланадиган бир қатор автоматлаштирилган ҳисобга олиш, назорат қилиш ва бошқариш тизимлари ишлаб чиқаришга тадбиқ қилинмоқда. Бундай тизимлар таркибига одатда ўзгартирувчи датчиклар (аналог ва дискрет сигналли), ўзгартиргичлардан маълумотларни йифиш, ахборотларга ишлов бериш, ахборотларни чоп этишга ёки таблога бериш курилмалари ва бошқалар киради.

Юқорида айтиб ўтилган техник воситалар корхоналарда амалдаги таърифлар бўйича тижорат ҳисобларини олиб боришга имкон берадиган автоматлаштирилган ахборот-ўлчов тизимини (ЭНАТ ААЎТ) куриш, қувват ва энергия, шунингдек, энергия ташувчилар турларини назорат қилишни ташкил этиш учун мўлжалланган.

Ўзбекистон энергетика тизими электр энергияни сотиб олиш ва сотиш билан қўшни давлатлар энергия тизимлари билан ўзаро боғланади. Шунинг учун энергия тизими ичида ва унинг субъектларида ҳисобга олиш тизимини ривожлантириш замонавий халқаро меъёр, қоидалар ва стандартларга мос келиши зарур.

Юқоридаги фикрларга кўра, электр энергиясини ҳисобга олишнинг янги усулларига ўтишда, энергияни ҳисобга олишнинг автоматлаштирилганлик ҳажмини аниқлашда, энергия ресурсларини ва электр энергияни тижорат асосида ҳисобга олишнинг автоматлаштирилган ахборот-ўлчов тизимларининг (ЭНАТ ва ЭНАТ ААЎТ) техник ва иқтисодий самарадорликлари масалаларини таҳлил қилишда амалдаги ҳисобга олиш тизимини кўриб чиқиш зарурати туғилади.

ЭНАТ ни жорий этиш ёрдамида қуйидаги иқтисодий самарадорликка эришилади:

- сутка давомида поғоналашган тариф бўйича истеъмолни ҳисобга олиш тизимига ўтиш;
- 10/0,4 кВ тақсимлаш тармоқларида электр энергияни етказиб бериш давомида барча занжирлар бўйича номувозанат ҳолатини ҳисоблаш;
- электр энергияси исрофларини аниқлаш;
- электр энергияси ҳисоблагичларининг аниқлилик даражасини ошириш;
- электр энергиясидан мақсадсиз фойдаланишини ўз вақтида аниқлаш;
- инсон омили иштирокисиз электр энергияси ҳисоблагичларидан маълумотларни олишда хатоликларнинг бўлмаслиги;
- тезкор назорат қилиш ва электр тармоқлари юкламаларини симметриялашга ўтиш муносабати билан электр тармоқларнинг хизмат қилиш муддатларини ошириш;
- электр энергиясини сотиб олиш бўйича ечимларни қабул қилиш жараёнида электр истеъмоли бўйича маълумотларни оператив олиш ва уларни қайта ишлаш;
- назоратчи ходимлар сонини қисқартириш;

- ҳисобга олиш нүқталарида хизмат қўрсатиш ва ҳисобларни ёзиб бориш билан боғлиқ ҳаражатларни камайтириш;
- истеъмол қилинган электр энергия учун тўловни ўз вақтида амалга ошириш бўйича истеъмолчилар масъулиятини ошириш.

1.5. Тижорат ва техник ЭНАТ


Вазифаси бўйича саноат корхоналарининг ЭНАТлари тижорат ва техник асосида ҳисобга олиш тизимларига бўлинади. Тижорат асосида ҳисобга олиш тизими деб, истеъмол қилинган электр энергияга тўловни амалга ошириш учун фойдаланиладиган ҳамда энергияни ҳисобга олиш тизимида айтилади (мос равишда тижорат асосида ҳисобга олиш тизими учун ишлатиладиган асбоблар тижорат ҳисобга олиш асбоблари дейилади). Техник ёки назорат қилиш орқали ҳисобга олиш тизими деб, корхона ичида унинг бўлимлари ва объектларида технологик жараёнларини назорат қилиш учун ҳисобга олишга айтилади. Техник асосидаги ҳисобга олиш тизими тижорат тизимининг асосини ташкил этади.

Техник ҳисобга олиш электр энергиядан фойдаланишни жорий бошқариш, режалаштириш, меъёрлаштириш ва таҳлил қилиш функцияларини бажарилиши учун ахборот базасини ташкил этади. Саноат корхоналарида электр энергияни техник ҳисобга олишнинг олиб борилиши қуйидагиларга имкон беради:

- цехларда электр энергиядан норатсионал фойдаланишни аниқлаш;
- электр энергияни тежаш бўйича рафбатлантирадиган иқтисодий омилларни киритиш;
- энергия ресурсларини тежаш ва махсулот бирлигига тўғри келадиган электр энергия сарфи микдорини камайтириш.

Техник ҳисобга олиш тизимининг вазифаси катта ўлчамлиги ва мураккаблиги билан ажralиб туради. Ҳозирги вақтда техник ҳисобга олиш тизими тақсимлаш ва трансформатор подстансиялари поғонасида амалга оширилмоқда. Бу тизимдаги ҳисоблагичлар у ёки бу сех томонидан сарфланган электр энергияни тўғридан-тўғри қайд эта олмайди, чунки ҳар бир сех электр таъминотини бир неча трансформатор подстансияларидан (ёки тақсимлаш подстансияларидан) олади, улар ҳар бири эса, ўз навбатида, бир неча сехларни таъминлайди. Масалан, 1.6-расмда тасвирланган корхона схемаси учун 2-цех электр таъминоти W_{x_2} ҳисоблагич бўйича аниқланади. 1-сех 1-ТП дан (W_{x_1} ҳисоблагич) ва 2-ТП дан (W_{x_3} ва W_{x_2} ҳисоблагичлар кўрсаткичлари айрмаси) таъминланади. Шундай қилиб, 1-цехнинг электр истеъмолини 1-цех = $W_{x_1} + (W_{x_3} - W_{x_2})$ ифода бўйича аниқлаш мумкин.

W_{x_3} ҳисоблагич кўпинча ТП да эмас, бош пасайтирувчи подстансия (БПП) да, яъни таъминот кабели охирида ўрнатилади.



1.6 – расм. Техник ҳисобга олиш тизимида электр энергия истеъмолини ҳисобга олиш: ТП – трансформатор подстансияси; Wh – электр энергия ҳисоблагичлари.

Одатда цехлар ва технологик ускуналар бўйича электр энергия истеъмолини ҳисобга олишни ажратишни амалга ошириш учун қўшимча ҳисоблагичлар ўрнатилиши, қайта уланишларни амалга ошириш ва подстансияларни тартиблаштириш зарур.

Бозор муносабатларининг ривожланиши, корхоналарни қайта модернизатсия қилиш, уларнинг алоҳида бўлинмаларини технологик жараёнларга боғлиқ равища ажратиш ва тижорат томонидан мустақил, лекин ишлаб чиқаришни энергия таъминоти умумий схемаси орқали боғланган – тижорат ва техник асосида ҳисобга олиш субабонентлари бир тизим доирасида бирлашади. Мос равища тижорат ва техник ҳисобга олиш тизими ЭНАТ лари алоҳида ҳамда ягона тизим сифатида ишлатилиши мумкин.

Икки турдаги тижорат ва техник ҳисобга олиш тизими ўзига хос хусусиятларга эга. Тижорат асосида ҳисобга олиш тизими консерватив (мутаасиб) тизим бўлиб, у ўрнатилган энергия таъминоти схемасига эга. Бу тизим учун юқори аниқликдаги ҳисоблаш асбобларини ўрнатилиши талаб қиласиган унча катта бўлмаган истеъмол нуқталарининг бўлиши характерли, паст ва ўрта поғона ЭНАТлари воситаларининг ўзи эса Ўз Стандарт агентлигининг ўлчаш воситалари реестридан танланиши керак. Бундан ташқари, тижорат асосида ҳисобга олиш тизимлари мажбурий тартибда мухрланади, бу корхона ходими томонидан назарда тутилмаган оператив ўзгартиришларни киритилиши мумкинлигини чеклайди. Техник ҳисобга олиш тизими аксинча, ишлаб чиқаришга ўзгараётган талабларни акс эттириш билан динамик ва доимо ривожланмоқда. Техник ҳисоб асосида назорат

қилиш тизими Ўз Стандарт ўлчаш воситалари реестрига киритилмаган асбоблардан фойдаланишга рухсат этади, лекин бунда тижорат ва техник ҳисобга олиш тизимларидан энергия ресурсларидан фойдаланиш бўйича маълумотлар нобаланси сабабларини аниқлаштирилишига боғлиқ муаммолар вужудга келиши мумкин. Энергия таъминоти ташкилотлари ҳисоблагичларида мухрлашнинг бўлмаслиги корхона бош энергетиги хизматига энергия ресурсларини техник назорат қилиш ва корхона энергия таъминоти схемасига киритилган жорий ўзгартиришлар, ҳисоблагичлари кўрсаткичларига ўзгартиришларни киритиш имкониятини беради. Тижорат ва техник ҳисобга олиш тизимларининг бу каби ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиб, саноат корхоналарида ЭНАТни қуриш ва уни ишлатиш билан иқтисодий сарф харажатлар нархини оптималлаштириш лозим.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ:

1. ЭНАТга таъриф беринг.
2. Саноат корхоналарида энергия ресурслари сарфларини ҳисобга олиш ва назорат қилиш масаласи ҳолатини таҳлил қилинг.
3. ЭНАТни жорий этиш ёрдамида қандай иқтисодий самарадорликка эришилади?
4. ЭНАТ таркибига нималар киради?
5. ЭНАТ функциясига нималар киради?
6. Умумий ҳолда ЭНАТ тузилмаси қандай поғоналардан ташкил топган?
7. Локал поғонада ЭНАТ нималардан ташкил топган?
8. ЭНАТнинг кўп поғонали тузилмасини тушунтириб беринг.
9. Тўғри симли алоқали ЭНАТ нинг қўлланилиш соҳалари тўғрисида сўзлаб беринг.
10. GSM модемлардаги ЭНАТ схемаси қандай қурилган?
11. Энергия истеъмолини ҳисобга олишнинг мақсадлари нималардан иборат?
12. Назорат қилиш ва ҳисобга олиш тизимларининг вазифалари нималардан иборат?

2-МАВЗУ: ҲИСОБЛАГИЧЛАРДАН МАЪЛУМОТЛАРНИ ЙИГИШ ВА УЛАРГА ИШЛОВ БЕРИШ БЎЙИЧА АВТОМАТИК СУРОВ ЎТКАЗИЛИШ ТУРЛАРИ

РЕЖА:

- 2.1.Оптик порт орқали ҳисоблагичларда сўров ўтказиш орқали ЭНАТни ташкил этиш.
- 2.2.Интерфейс ўзгартиргичлари, мултиплексор ёки модем орқали ҳисоблагичларда сўров ўтказилиши билан ЭНАТни ташкил этиш.
- 2.3.Маълумотларни йиғиши ва ишлов бериш орқали ҳисоблагичларда автоматик сўровни ўтказилиши билан ЭНАТни ташкил этиш.
- 2.4.Ўрта ва йирик қувватли саноат корхоналари ёки энергетика тизими учун кўп поғонали ЭНАТни ташкил этиш.
- 2.5.Бир турга мансуб бўлган ЭНАТ.

Таянч сўз ва иборалар: *Оптик порт, ҳисоблагичлар, сўров ўтказииши, ўзаро боғлуқлик, вақт синхронлиги, файл-топшириқ, маълумотлар омбори, RS-485 шинаси, электр энергияси, автоматлаштирилган тизим, ЭХМ, маълумотларни узатиши тармоги, дастурий таъминот, мултиплексор, маълумотлар базасини, коммутатсияланадиган телефон каналлари, ажратилган телефон каналлари, GSM, GPRS, радиоканаллар, бирламчи ўлчаши асбоблари, маълумотларни йиғиши ва тарқатиши қурилмалари.*

2.1. Оптик порт орқали ҳисоблагичларда сўров ўтказиш орқали ЭНАТни ташкил этиш

Оптик порт орқали ҳисоблагичларда сўров ўтказиш ёрдамида ташкил этилган ЭНАТ энг сода кўриниши бўлиб ҳисобланади. Бунда ҳисоблагичлар бир-бири билан ўзаро боғланмаган. Ҳисоблагичлар ва маълумотларни йиғиши маркази орасида алоқа йўқ. Барча ҳисоблагичлардаги маълумотлар оператор ҳисоблагичларни кўриб чиқиши жараёнида уларга сўров берниш орқали амалга оширилади.



2.1-расм. Оптик порт орқали ҳисоблагичлардан сўров ўтказиш орқали ЭНАТни ташкил этиш

Ҳисоблагичлар вақтини синхронлаштириш кўчма компьютер вақти билан сўров жараёнида амалга оширилади. Кўчма компьютер вақти маълумотларни йиғиши маркази вақти билан ҳисоблагичлар сўровига топшириклар файлларини қабул қилиш пайтида амалга ошади. Автоматлаштирилган тизим куришнинг бу схемаси бошқа схемаларга

нисбатан арzon ҳисобланади.

Бу вариандаги ЭНАТни куриш давомида қурилма ва воситаларни қўллашни максимал тежаш мақсадида маълумотларни йиғиш маркази ролини кўчма компьютерга юклаш мумкин. Сўров оптик порт орқали сўров натижалари файлини шакллантирадиган кўчма компьютерда жойлашган маҳсус дастурий таъминот ёрдамида бажарилади. Маълумотларни йиғиш маркази компьютери берилган сўровга файл-топшириқни шакллантирадиган ва ахборотларни асосий маълумотлар омборига (МО) юклайдиган дастурний модуллар билан таъминланган бўлиши лозим.

ЭНАТ ни ташкил этишнинг бу усули камчиликлари бўлиб, ҳисоблагичлардан маълумотларни йиғишнинг мураккаблиги ва тизимда импулс чиқишли электрон ҳисоблагичлардан фойдаланишинг имкони йўқлиги ҳисобланади. Шунинг учун бу схемани тижорат асосидаги ҳисобга олиш тизимини ташкил этиш учун тавсия қилиш мумкин. Унинг таркибида ахборотларни хотирада сақлаш модули ва ЭҲМ билан алмашинув асосида ҳисобга олиш тизими интерфейси бўлган қиммат унча кўп бўлмаган сонли тижорат ҳисоблагичлари ишлатилади.

Оптик порт орқали ҳисоблагичларда сўровни ўтказилиши билан ЭНАТни ташкили этиш қуйидаги масалаларни ечишга имкон беради:


- истеъмол параметрларини аниқ ўлчаш;
- корхона ва унинг обьектлари бўйича энергия ресурслари истеъмолини тижорат ва техник асосида ҳисобга олиш;
- берилган лимитларга ва кувватни технологик жараёнларда чеклашларга нисбатан берилган вақт интервалларида (5 мин, 30 мин, зоналар, сменалар, суткалар, декадалар, ойлар, кварталлар ва йиллар) ҳисобга олиш нұқталари ва обьектлари бўйича энергиядан фойдаланишини назорат қилиш;
- электр энергиясини ҳисобга олиш бўйича маълумотларга қайта ишлов бериш ва ҳисботларни шакллантириш;
- маълумотларнинг тўлиқлигини таҳлил қилиш;
- ҳисоблагичларни таҳлил қилиш.

2.2. Интерфейс ўзгартиргичлари, мултиплексор ёки модем орқали ҳисоблагичларда сўров ўтказилиши билан ЭНАТни ташкил этиш

RS-485 умумий шина орқали ёки мултиплексорга “токли ҳалқа” интерфейси (масалан, МПР-16 турдаги) бўйича ёки маълумотларни йиғиш ва тарқатиш қурилмаси (МЙТҚ) орқали бирлаштирилган ҳисоблагичлар турли тақсимлаш қурилмаларида жойлашиши мумкин ва сўров натижалари файлини шакллантирадиган кўчма компьютерда жойлашган дастур ёрдамида бир ой давомида бир ёки бир неча мартта сўров ўтказилиши мумкин (2.2-расм).

Ҳисоблагичлар ва МЙТҚ орасида доимий алоқа йўқ. МЙТҚ коммуникатсион сервер ролини бажаради. Маълумотларни йиғиш маркази компьютери сўровига файл-топшириқни шакллантирадиган ва ахборотларни

асосий маълумотлар омборига (МО) юклайдиган дастурий модуллар билан таъминланган бўлиши лозим. Ҳисоблагичлар вақтини синхронлаштириш кўчма компьютер вақти билан сўров жараёнида амалга оширилади. Кўчма компьютер вақти маълумотларни йиғиш маркази вақти билан ҳисоблагичлар сўровига топшириқлар файлларини қабул қилиш пайтида амалга ошади. Бу вариантда маълумотларни йиғиш маркази учун ажратилган компьютер



2.2-расм. Интерфейс ўзгартиргичлари, мултиплексор ёки модем орқали ҳисоблагичларда сўров ўтказилиши билан ЭНАТни ташкил этиш

бўлмаслиги мумкин, унинг ролини қўчма компьютер бажариши мумкин.

Кўчма компьютердан интерфейс ўзгартиргичлари, мултиплексор ёки модем орқали ҳисоблагичларда сўров ўтказилиши билан ЭНАТни ташкил этиш қуйидаги масалаларни ечишга имкон беради:

истеъмол параметрларини аниқ ўлчаш:

корхона ва унинг обьектлари бўйича энергия ресурслари истеъмолини тижорат ва техник асосида ҳисобга олиш;

берилган лимитларга ва қувватни технологик жараёнларда чеклашларга нисбатан берилган вақт интервалларида (5 мин, 30 мин, зоналар, сменалар, суткалар, декадалар, ойлар, кварталлар ва йиллар) ҳисобга олиш нуқталари ва обьектлари бўйича энергиядан фойдаланишни назорат қилиш;

электр энергиясини ҳисобга олиш бўйича маълумотларга қайта ишлов бериш ва ҳисботларни шакллантириш;


маълумотларнинг тўлиқлигини таҳлил қилиш;

ҳисоблагичларни таҳлил қилиш.

2.3. Маълумотларни йиғиш ва ишлов бериш орқали ҳисоблагичларда автоматик сўровни ўтказилиши билан ЭНАТ ни ташкил этиш

Ҳисоблагичларда маълумотларни йиғиш канали билан тўғри алоқа каналлари орқали доимий боғланган ва берилган сўров жадвалига мувофиқ сўров ўтказилади (2.3-расм). Ҳисоблагичлардан бирламчи ахборотлар МО га ёзилади. Ҳисоблагичлар вақтини синхронлаштириш маълумотларни йиғиш маркази компьютери вақти билан сўров жараёнида амалга ошади.

Маълумотларни йиғиш маркази компьютери сифатида локал тармоқ ишлатилади. Унда маълумотларга ишлов бериш ва МО га киритиш амалга ошади. Фойдаланувчилар сони, ҳисоблагичлар ва уларнинг профиллари интервалларининг сони, фойдаланувчилар малакалари, математик ишлов бериш ва бошқаларга боғлик равища локал МО MS Access ёки ORACLE8.X. МО бошқариш тизимида ишлаши мумкин. Маълумотларни йиғиш ва ишлов бериш лоқал маркази орқали ҳисоблагичларни автоматик сўровни ўтказилиши билан ЭНАТ ни ташкил этиш қўйидаги масалаларни ечишга имкон беради:



2.3-расм. Маълумотларни йиғиш ва ишлов бериш орқали ҳисоблагичларда автоматик сўровни ўтказилиши билан ЭНАТ ни ташкил этиш

узатиш/истеъмол параметрларини аниқ ўлчаш:

корхона, унинг инфратузилма элементлари (қозонхона ва майший объектлар, сехлар, бўлинмалар, субабонентлар) бўйича энергия ресурсларини комплекс автоматлаштирилган тижорат ва техник ҳисобга олиш;

электр энергиясини ҳисобга олиш ва электр энергиясининг сифат кўрсаткичларини (ЭСК) назорат қилиш бўйича маълумотларга ишлов бериш ва ҳисботларни шакллантириш;

энергиядан фойдаланиш ҳамда ишлаб чиқариш жараёнларини таҳлил қилиш учун энергия ресурслари истеъмоли назорат қилинадиган параметрларининг оғишларини қайд этиш, уларни абсолют ва нисбий бирликларда баҳолаш;

назорат қилинадиган катталикларни рухсат этиладиган қийматлар оралиғидан оғишлари хақида ҳабар бериш (ранг, товуш билан);

маълумотларнинг тўлиқлигини таҳлил қилиш;

тизимни таҳлил қилиш.

2.4. Ўрта ва йирик қувватли саноат корхоналари ёки энергетика тизими учун кўп поғонали ЭНАТни ташкил этиш


Ҳисоблагичларнинг асосий қисми биринчи даража маълумотларини йиғиш маркази билан тўғри алоқа каналлари орқали доимий боғланган ва ЭНАТ ни ташкил этиш учинчи усулидаги каби берилган. Уларда сўров ўтказиш жадвалга асосан ўтказилади. Баъзи ҳисоблагичлар ва биринчи даража маълумотларини йиғиш маркази орасида доимий алоқа бўлмаслиги мумкин, улар ЭНАТ ни ташкил этишнинг иккинчи усулидаги каби кўчма компьютер ёрдамида амалга ошириши мумкин. Ҳисоблагичлардан бирламчи ахборотлар биринчи даража маълумотларни йиғиш марказлари МО ларига киритилади, бу ерда маълумотларга ишлов бериш ҳам амалга оширилади. Иккинчи даража маълумотларини йиғиш марказларида ахборотларни қўшимча бирлаштириш ва тизилмлаштириш, уларни иккинчи даража маълумотларни йиғиш марказлари МО ларига киритиш амалга оширилади. ЭНАТ ни ташкил этишнинг бу усулида МО сифатида ORACLE8.X. МО бошқариш тизими ишлатилиши тавсия қилинади. Алфа МАРКАЗ дастурий мажмуининг асосий конфигурацияси 4, 8, 16, 32 алоқа каналлари бўйича маълумотларни параллел йиғиши ташкил этишга имкон беради. 16, 32 каналларда коммуникацион сервер сифатида алоҳида ЭҲМни ишлатиш зарур. Алоқа каналлари ажратилган, коммутацияланадиган, тўғри уланишли бўлиши мумкин. Ҳар бир каналнинг параметрлари линиянинг тури ва унинг характеристикаларига боғлиқ равишда индивидуал созланиши мумкин. Тизимда бир неча коммуникатсион серверлар параллел ишлаши мумкин. Бунда маълумотларни йиғиш тизими барча параметрларининг тавсифи, объектларнинг барча электр ва ҳисоблаш схемаларининг тавсифи, шунингдек, барча бирламчи ва ҳисоблаш маълумотлари фақат МО серверида ва маълумотларни йиғиш маркази иловаларида сақланади.

Маълумотларни йиғиш маркази фақат маълумотларни йиғиш ва қайта ишлашни бажаради. Фойдаланувчилар АИЖ лари уларга локал тармоқ бўйича уланади. Объектда ҳисоблагичлар сони унча катта бўлмаганида биринчи даража маълумотларни йиғиш маркази АИЖ функциясини бажариши мумкин. Биринчи даража маълумотларни йиғиш марказлари иккинчи даража маълумотларни йиғиш марказлари билан боғланган. Алоқа каналлари локал тармоқ бўйича ажратилган, коммутацияланадиган, тўғридан-тўғри уланишли бўлиши мумкин. Иккинчи даража маълумотларни йиғиш маркази сервери биринчи даража маълумотларни йиғиш маркази МОдан ўрнатилган жадвалга мувофиқ зарур ахборотларни автоматик равишда сўрайди.

Ҳудудий тақсимланган ўрта ва йирик корхона ёки энергия тизими учун кўп поғонали ЭНАТ ни ташкил этиш қуйидаги масалаларни ечишга имкон беради:

узатиш/истеъмол параметрларини аниқ ўлчаш;

электр энергиясини ҳисоблаш учун шартномаларни олиб бориш ва тўлов ҳужжатларини шакллантириш;
 меъёрий-маълумотлар ахборотларини олиб бориш;
 электр энергиясини ҳисобга олиш ва ЭСКни назорат қилиш бўйича маълумотларни қайта ишлаш ва ҳисботларни шакллантириш;
 энергия ресурсларининг назорат қилинадиган параметрларининг ўзгаришларини (оғишларини) қайд этиш, уларни ҳам энергия истеъмолини, ҳам ишлаб чиқариш жараёнларини таҳлил қилиш учун абсолют ва нисбий бирликларда баҳолаш;
 маълумотларнинг тўлиқлигини таҳлил қилиш;
 тизимни таҳлил қилиш.



2.4-расм. Ўрта ва йирик қувватли саноат корхоналари ёки энергетика тизими учун кўп поғонали ЭНАТни ташкил этиш

2.5. Бир турга мансуб бўлган ЭНАТ

Тизимнинг турли поғоналарида учун ЭНАТни қуришда минимал нархларни таклиф этадиган турли етказиб берувчилардан ва турли техник ечимлардан фойдаланиш мумкин. Бундай тизим бир турга мансуб бўлмаган тизимлар дейилади. Бу тизимлар ҳақиқатан арzon турди, лекин шошилиб бу варианта рози бўлишдан олдин ўйлаб кўриш керак бўлади. Бундай тизимни ишлатиш мураккаб ва қиммат бўлади. Бу мулоҳазаларни қуидаги фактлар тасдиқлайди:

турли хилдаги қурилмалар билан ишлаш учун кўплаб дастурий воситалардан доимо фойдаланиши зарурати;

жорий таъминлаш ва хизмат кўрсатиш учун электрон элементларнинг кўплаб шакллари бўлиши зарурати;

ишли ходимни ўқитиш ва малакасини оширилишнинг мураккаблиги, чунки малака ошириш турли ташкилотларда бўлиб ўтади;

бу тизимларни ишлаб чиқиш ва уларни қуриш ишларининг кўп вақт талаб қилиши;

тизимларни қуриш ва ишлатиш жараёнида маслаҳатлар олиш ва носозликларни бартараф этиш кўп сонли мутахассисларни жалб қилишга боғлик.

Бошланғич босқичда пул маблағларининг тежалиши бу тизимларни ишлатиш жарёнида молиявий йўқотишларга олиб келади. Бу ҳолда ЭНАТни бир турга мансуб тизим сифатида қуришга имкон берадиган техник ечимлардан фойдаланиш, яъни ҳар бир ҳисобга олиш обьектида бир турдаги қурилмалар ва дастурий таъминот воситаларга асосланадиган бир хил тизимни тадбиқ этиш афзал ҳисобланади. Бу электр энергияни ҳисобга олиш ва унинг параметрларини назорат қилишга боғлик бўлган бизнес-жараёнларни босқичма-босқич автоматлаштириш имкониятини, ЭНАТни босқичма-босқич қуриш ва ишлаб чиқаришга киритиш имкониятини беради. Бу эса тизимни қуриш ва ишга тушириш билан боғлик сарф ҳаражатлар нархини камайтиради. Чунки дастурий таъминот бир вақтда ишлайди ва талаб қилинадиган ахборотларни тақдим эта бошлайди, ЭНАТ тизимлари қурилган ва ишлатилаётган кўплаб корхоналар ўз тизимларини бир турга мансуб тизим сифатида лойиҳалаштиришни афзал биладилар.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ:

1. Оптик порт орқали ҳисоблагичларда сўров ўтказиш ёрдамида ЭНАТни ташкил этиш нимадан иборат?
2. Оптик порт орқали ҳисоблагичларда сўровни ўтказилиши билан ЭНАТ ни ташкил этиш қандай масалаларни ечишга имкон беради?
3. Интерфейс ўзгартиргичлари, мултиплексор ёки модем орқали ҳисоблагичларда сўров ўтказилиши билан ЭНАТни ташкил этиш нимадан иборат?

4. Кўчма компьютердан интерфейс ўзгартиргичлари, мултиплексор ёки модем орқали ҳисоблагичларда сўров ўтказилиши билан ЭНАТни ташкили этиш қандай масалаларни ечишга имкон беради?
5. Маълумотларни йиғиш ва ишлов бериш орқали ҳисоблагичларда автоматик сўровни ўтказилиши билан ЭНАТни ташкил этиш нимадан иборат?
6. Маълумотларни йиғиш ва ишлов бериш лоқал маркази орқали ҳисоблагичларда автоматик сўров ўтказилиши билан ЭНАТни ташкил этиш қандай масалаларни ечишга имкон беради?
7. Ўрта ва йирик қувватли саноат корхоналари ёки энергетика тизими учун кўп поғонали ЭНАТни ташкил этишнинг афзалликлари нималардан иборат?
8. Ўрта ва йирик қувватли саноат корхоналари ёки энергетика тизими учун кўп поғонали ЭНАТни ташкил этиш қандай масалаларни ечишга имкон беради?
9. Бир турга мансуб бўлган ЭНАТга таъриф беринг.
- 10.Бир турга мансуб тизимни ишлатишнинг афзаллик ва камчиликлари нималардан иборат?

3-МАВЗУ: САНОАТ КОРХОНАЛАРИДА ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ НАЗОРАТИНИНГ АВТОМАТЛАШТИРИЛГАН ТИЗИМЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

РЕЖА:

3. Саноат корхоналарида автоматлаштирилган тизимларни жорий этилишининг мақсадга мувофиқлиги.

3. Саноат корхоналарида ЭНАТ ташкил этишнинг иқтисодий самарадорлиги.

3. Энергияни ҳисобга олиш – энергия тежамкорлигининг асосий қуорали.

3. Кўп зонали тарифга ўтиш

3. Электр энергия сифатини назорат қилиш

Таянч сўз ва иборалар: *Автоматлаштирилган тизим, ЭҲМ, бошқарши тизими, бошқарши тизимларида инсон иштироки, иқтисодий самарадорлиг, электр энергияси, энергия ресурслар, энергия тежамкорлиги, кўп зонали тариф, дифференциалланган тариф, тунги тариф, ярим тигиз тариф, тигиз тариф, эрталабки ва кечки тигиз зоналар, энергия сифати, кучланиши тебраниши, носимметрия.*

3.1. Саноат корхоналарида автоматлаштирилган тизимларни жорий этилишининг мақсадга мувофиқлиги

Ҳар қандай автоматлаштирилган тизими лойиҳалаштирилаётган вақтда лойиҳани ишлаб чиқувчи – бу обектни бошқариш тизимида автоматлаштиришнинг қандай даражаси зарур бўлади деган мухим саволни ечиши керак. Автоматлаштириш даражаси инсон омили ёрдамида бажариладиган тизимлардан автоматик амалга ошадиган тизимларагача кенг чегараларда ўзгариши мумкин. Бир томондан, автоматиканинг замонавий воситалари бошқариш тизимида инсон иштирокини доим ҳам алмаштира олмайди. Иккинчи томондан, инсон ўз чегараланган имкониятлари туфайли бошқара олмайдиган объекtlар мавжуд. Бошқариш тизимларида инсон иштироки ва автоматик бошқаришнинг ўйғунлашиши самаралироқ ҳисобланади.

Автоматика ёрдамида бошқариш зарур бўлган шароитлар қуйидагилар:

- Инсоннинг физиологик ва психологик имкониятлари (мушак кучлари, ахборотларни қайта ишлаш ва қабул қилиш тезлиги, ёки бу физик кўринишда кодланган ахборотларни қабул қилиш қобилияти, иш қобилияти ва ҳ.к.) бу объект ёки жараённи бошқариш учун етарли эмас ҳисобланади;
- Тизим инсон ҳаёти ва саломатлиги учун хавфли бўлган мухитда бўлиши мумкин. Бу ҳолда ишлаб чиқувчи бошқариш тизимида меҳнат шароитларини соғломлаштириш ва енгиллаштириш, автоматика ёрдамида техника хавфсизлигини ошириш имкониятларини аниқлаштиради;

- Объектни бошқаришда инсоннинг иштироки ундан жуда юқори малакани талаб қилиши мумкин. Баъзи ишлаб чиқаришларда ноёб мутахассислар мавжуд бўлиб, уларнинг бошқариш жараёнида қатнашиши оптимал ечимларга яқин бўлган ечимларга эришишга имкон беради. Бу мутахассисларни алмаштириш осон эмас меҳнат ресурсларининг етишмаслиги мавжуд (масалан, ўзлаштирилмаган ва олисдаги туманларда ишлаб чиқариш объектларини яратишда);
- Автоматика критик ва авария ҳолатларида объектни бошқаришда зарур. Оддий ҳолатларда ўз мажбуриятларини аъло даражада бажарадиган мутахассис, авария ҳолатларида турли психологик ва физиологик таъсирлар остида бошқариш бўйича тўғри эчимларни қабул қилишга яроқсиз бўлиб қолиши мумкин.

Бошқариш тартибига кўра, объектни бошқаришда қандайдир бошқариш сифати мезони шакллантирилиши мумкин. Бу мезон нарх ифодаланишига эга ёки қийматларига бошқариш тизими тўғридан-тўғри таъсир қиласидан бир қанча параметрларни оптималлаштириш масаласи кўринишида ифодаланади (бунда параметрларнинг қийматлари нарх баҳоланиши билан қандайдир боғланган). Бошқариш обьекти принципial қўлда бошқариш имкониятига эга бўлиши керак. Лекин инсон обьектни бошқариш билан бошқариш мезони нуқтаи назаридан нооптимал ечимларни қабул қилиб қўйиши мумкин.


Агар автоматик бошқариш сифатини сезиларли яхшилашга имкон берса, у ҳолда унинг қўлланилиши мақсадга мувофиқ бўлади. Буюртмачи фақат автоматлаштиришга кетган сарфларни бошқариш сифатини яхшилашдан ютуқларга (қабул қилинган ўзини оқлаш муддатларини ҳисобга олиб) пулли кўринишда тақослаши керак бўлади. Агар бу тақослаш натижасида у автоматлаштиришдан иқтисодий ютуқни аниқласа, у ҳолда бошқариш тизимида инсон иштироки қисман ёки тўлиқ автоматика билан алмаштирилиши керак.

Энди асосий масалалардан бири ЭНАТ тизимларини қуришда қандай автоматлаштириш даражаси танланиши лозимлигини аниқласак. Бу масалани ечиш учун ЭНАТнинг асосий функцияларини энергия истеъмоли (ҳисобга олиш) ҳақида маълумотларни йиғиш, шунингдек, корхона энергия таъминоти жараёнларини таҳлил қилиш ва бошқаришни ўtkазилишини эслаш зарур. Ҳисобга олиш катта ҳажмли маълумотларни тўплаш ва улар билан ишлашга боғлик, бу ерда ЭХМ инсонга нисбатан шубҳасиз авзаликларга эга. Шунинг учун ҳисобга олишни деярли тўлиқ автоматик қилиш мумкин.

Лекин, корхона энергия таъминотини бошқаришни амалга ошириш инсоннинг иштирокисиз бўлмайди. ЭХМ дастурига технологик жараёnlар талабларининг барча нозик тафсилотларини қўйиб бўлмайди (ёки жуда мураккаб), автоматиканинг у ёки бу зарарларини алгоритмик тавсифлаш қийин. Бу ҳолда ЭХМ га бошқариш функциясини амалга ошириш учун инсонга ёрдам бериш вазифаси юкланди (оператор таҳлил қилиши учун қулай шаклда маълумотларни тайёрлаш, аниқлик даражаси паст

маълумотларни аниқлаш ва алоҳида параметрларнинг ўзгаришларини тахмин қилиш, операторлар ҳаракатларининг тўғрилигини қайд этиб бориш ва назорат қилиш). Шундай қилиб, корхона энергия таъминотини бошқаришда оптимал автоматлаштириш даражаси, инсон-оператор ва ЭҲМ қатнашишининг оптимал қўшилиши топилиши керак.

3.2. Саноат корхоналарида ЭНАТ ташкил этишнинг иқтисодий самарадорлиги



3.1-расм. Корхона энергия истеъмолининг ташкил этувчилари

ЭНАТни қуриш ва уни ишлатишининг мазмуни сарф ҳаражатларида корхона маблағлари ва энергия ресурсларини доимий тежашдан иборат. ЭНАТни ишлатилишидан иқтисодий самаранинг қийматлари корхоналар бўйича энергия ресурсларининг йиллик истеъмолидан ўртacha 15-30% ларга етмоқда, ЭНАТ ни яратишга ҳаражатларни ўзини оқлаши ҳисобот йилининг 2-3 чорагида амалга ошмоқда. Бугунги кунда саноат корхоналарининг ЭНАТ тизими шундай зарур механизм ҳисобланадики, бу тизимларсиз энергия ресурсларини етказиб берувчилар энергия истеъмолига тўлов маданияти билан боғлиқ муаммоларини ечиш, энергия ресурсларини тежаш ва корхона маҳсулоти таннархида энергия ҳаражатларининг улушини камайтириши мумкин эмас. Корхонанинг энергия истеъмоли даражаси икки: асосий ва ташкилий-техник ташкил этувчилардан иборат. Асосий ташкил этувчи

ўрнатилган техник қурилмалар энергия сифими орқали аниқланади. Ташкилий-техник ташкил этувчи (ТТТЭ) эса корхона ходими томонидан ишлаб чиқариш шахсий манфаатлари ва эҳтиёжларидан келиб чиқиб бериладиган қурилмаларни ишлатиш режимлари орқали аниқланади. Энергия истеъмолининг биринчи (асосий) ташкил этувчиси эскирган кўп энергия сифимили қурилмаларни ва технологик жараёнларни замонавий ва кам энергия сифимилиларига алмаштирилишини талаб қиласди. Бу ишлаб чиқаришни модернизатсия қилиш ва йирик инвеститсияларни жалб этилишига боғлик. Лекин бу масала бугунги кунда саноат корхоналаридаги муаммоли масала ҳисобланади. Шунинг учун катта пул сарфларини талаб қилмайдиган ва ишлатиш юқори самарани берадиган корхона энергия истеъмоли даражасида ТТТЭ ни минималлаштириш имкониятига эътиборни қаратиш зарур. Бу ташкил этувчини минималлаштиришнинг долзарблиги ишлаб чиқаришни модернизация қилиш натижасида асосий энергия истеъмолини қисқартирилганидан кейин ҳам сақланади.

3.3. Энергияни ҳисобга олиш – энергия тежамкорлигининг асосий қуроли

Энергия ресурслари нархининг ўсиб бориши ишлаб чиқариш корхоналаридан энергия ресурсларининг барча турлари истеъмолини қатъий назорат қилиш, маҳсулот таннархига уларнинг улушкини чеклаш ва камайтиришдан иборат энергия тежамкорлиги бўйича тадбирлар мажмуини ишлаб чиқиш ва жорий этишни талаб қиласди. Замонавий ЭНАТ энергия тежамкорлиги бўйича тадбирлар мажмуини иқтисодий асосланган ишлаб чиқиши, амалга ошириш, ўзгариб турадиган иқтисодий муҳитларда энергия ресурсларига ҳаражатларни динамик оптималлаштиришни таъминлаш билан ўз вақтида уни тузатишга имкон берадиган ўлчов воситаси ҳисобланади. Шундай қилиб, ЭНАТ ишлаб чиқариш корхоналарида энергия тежамкорлигининг асоси ҳисобланади.

Бугун бу йўналишда бажарилиши лозим бўлган биринчи ва энг зарур қадам бу бутун корхона тузилмавий иерархияси бўйича барча энергия ташувчиларни ҳисобга оладиган, назорат қилишга имкон берадиган ва бу назоратни ҳар бир иш жойига етказишли энергия ресурсларини автоматлаштирилган ҳисобга олишни жорий этиш ҳисобланади. Шу туфайли энергия ресурсларини ишлаб чиқариш ва ишлаб чиқариш билан боғлик бўлмаган ҳаражатлари минимумга олиб келинади. Бу эса энергия етказиби берувчилари ва истеъмолчилари орасидага бахсли масалаларни қатъий, директив (кўрсатма берадиган) чоралар билан эмас, балки объектив автоматлаштирилган ҳисобга олиш асосида объектив ечишга имкон беради.

3.4. Кўп зонали тарифга ўтиш

XX асрнинг 90-йиллари ўрталаридан электр энергия нархи тўхтовсиз ортадиган бўлиб қолди. Деярли исталган ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг таннархидаги электр энергиянинг улуши ҳам ортиб борди. электр энергиясидан самарали фойдаланиш бўйича бир қатор қонун ва қарорлар қабул қилинди. Жумладан, 1997-йилда “Энергиядан рационал фойдаланиш тўғрисида”ги, 2009-йил “Электр энергетика тўғрисида”ги Конунлар қабул қилиниб, ҳаётга тадбиқ этилди. Бу соҳада қабул қилинаётган ҳар бир қонун, қарор замирида аввало энергия ресурларини тежаш, улардан самарали ва оқилона фойдаланиш мақсади ётади.

Бугунги кунда электр энергияси истеъмолни самарали бошқаришни дифференциалланган тарифлар бўйича ҳисоблашларни жорий этишсиз амалга ошириш мумкин эмас. Сутка зоналари бўйича дифференциалланган тарифларни киритиш сутка вақтига боғлик электр энергия истеъмолига турли тарифларни ишлатилишини назарда тутади.

Энергия тизимларида сутка давомида электр энергия истеъмоли нотекис ва қоидага кўра, электр энергия учта: кам истеъмол қилиш режими, ўрта истеъмол қилиш режими ва максимал истеъмол қилиш режимларига эга. Бу электр энергия истеъмоли режимларга мувофиқ сутка кесимида қуйидаги зоналарга бўлинади:

электр энергия минимал истеъмол қилиш зонаси - тунги тариф зонаси соатларига;

электр энергия ўрта истеъмол қилиш зонаси - ярим тифиз тариф зонаси соатларига;

электр энергия максимал истеъмол қилиш зонаси – тифиз тариф зонаси соатларига.

Қоидага кўра, эрталабки ва кечки максимал истеъмол соатларига (эрталабки ва кечки тифиз зоналар) ажратилади. Генерациялайдиган қувватларнинг максимум соатлардаги юкланиши тунги минимум соатларидагидан бир неча мартта юқори бўлади.

Дифференциалланган тарифларни киритилишининг асосий сабаларидан бири энергия тизимларида юклама графикини текислашга интилиш ҳисобланади, Бу янги генерациялайдиган қувватларни киритишни электр энергия истеъмол қилишнинг камайиши ҳисобига максимум соатларга олиб қўйилишига имкон беради. Буниг учун электр энергия истеъмолчилари истеъмол қилиш графикини ўзгартириши, яъни қўп энергия истеъмол қиладиган ишлаб чиқаришни электр энергия максимал истеъмол қилиш зонасидан ўрта ва минимал истеъмол қилиш зоналарига ўтказиши зарур.

Сутка вақтларига боғлик турли тариф ставкаларининг киритилиши билан ҳам истеъмолчиларда, ҳам электр энергияни етказиб берувчиларда иқтисодий самарага эришилади. Истеъмолчи истеъмолини тартибга солиш ва унда энергияни тежаш учун технологик сиклни ўзгартириш билан энергия истеъмолини моҳирона бошқариш билан амалга оширилади.

Кўп тарифли ҳисоблагичларнинг ўрнатилиши истеъмол қилинган электр энергиясига замонавий тарифлар бўйича ҳисоблашишга ўтишга имкон беради. Кўплаб энергия тизимларида тунда, кундузи ва энергия тизимининг чўққили юклама соатларида электр энергияга турли нархлар ўрнатилагн. Агар корхона ишлаб чиқариш қисмларининг бажарилишини электр энергия арzon бўлган вақтларга кўчирса, у ҳолда электр энергияга тўловни сезиларли кам тўлайди. Масалан, Россияда электр энергия учун тунги тариф кундузгига нисбатан 3 марта арzonлигини эътиборга олса, иқтисод қилиш 30 % гачани ташкил этиши мумкин

Шу билан бирга энергия компаниялари ўз навбатида, бутун энергия тизимида юклама графиги текисланишидан катта техник ва иқтисодий самарадорликка эришади. Энергия тизимлари ўсиб бораётган юкламани қоплаш учун янги қувватни киритиш ёки электр қувватни бошқа энергия тизимларидан сотиб олишдан воз кечади. Бунинг натижасида иссиқлиқ электр стансияларининг иш режимлари яхшиланади, электр энергияни ишлаб чиқаришга ёқилғи сарфи ва энергетик қурилмаларнинг эскириши қисқаради.

3.5. Электр энергия сифатини назорат қилиш

Электр энергияси истеъмолчилари ўзларининг технологик жараёнлари давомида кўпинча электр энергия сифатига салбий таъсир кўрсатади. Электр энергия сифатининг ёмонлашиши электротехник ва технологик қурилмаларнинг иш жараёнига ўз салбий таъсирини ўтказмоқда. Буни қуйидаги мисолларда яққол кўриш мумкин.

Кучланиш эгрилиги шаклининг бузилиши электр таъминоти тизимларида кўплаб элементларнинг ишлашига салбий таъсир кўрсатмоқда. Актив қувват ва энергиянинг қўшимча исрофлари вужудга келмоқда, изолясиянинг эскириши жараёни тезлашмоқда, электр ўлчов асбобларининг хатоликлари ортмоқда, ЭҲМ, релели ҳимоя, автоматика ва алоқа қурилмаларининг ишлатилиши қийинлашмоқда. Бу эса электр таъминоти тизимининг ишончлилигини пасайтиради ҳамда электр энергияни ҳисобга олиш шартларини ёмонлаштиради.

Электр таъминоти тизимида кучланиш тебранишининг пайдо бўлиши бу ўзгаришга сезгир бўлган электр қабуллагичлари ишлашида, биринчи навбатда электр ёритиш ускуналари ишлашига таъсир кўрсатади.

Уч фазали тармоқлардаги носимметрияда электр тармоқлар элементларида қўшимча исрофлар пайдо бўлади, лампалар ва электр жиҳозларининг хизмат муддатлари қисқарада, уларда иш самарадорлигининг иқтисодий кўрсаткичлари камаяди.

Электр энергиясининг сифати давлат стандартларига жавоб бериши ёки шартнома шартларида назарда тутилиши керак. Электр энергиясининг сифатини ёмонлашишига иқтисодий чегирмалар, электр энергияга камайтирилган нархлар ва устамалар кўзда тутилган бўлиши мумкин.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ:

1. Саноат корхоналарида автоматлаштирилган тизимларни жорий этилишининг мақсадга мувофиқлиги нимадан иборат?
2. Автоматика ёрдамида бошқариш зарур бўлган шароитларга нималар киради?
3. ЭНАТ тизимларини ишлаб чиқишида қандай автоматлаштириш даражаси танланиши керак?
4. Корхона энергия истеъмолини нималар ташкил этади?
5. Саноат корхоналари ЭНАТ тизимларининг иқтисодий самарадорлиги нималардан иборат?
6. Энергияни ҳисобга олиш – энергия тежамкорлиги учун восита эканлигини таърифланг.
7. Кўп зонали тарифга ўтишнинг афзалликлари нималардан иборат?
8. Электр истеъмоли режимларига мувофиқ суткалар қандай зоналарга бўлинади?

4-МАВЗУ: ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ НАЗОРАТИНИНГ АВТОМАТЛАШТИРИЛГАН ТИЗИМЛАРИНИНГ ТЕХНИК ВОСИТАЛАРИ

РЕЖА:

4. Кўп функцияли ҳисоблагичлар
4. Ҳисоблагичларнинг дастурий таъминоти
4. Ҳисоблагичларни ток трансформаторлари орқали улаш

4.1. Кўп функцияли ҳисоблагичлар

Кўп функцияли “Энергия 9” туридаги СТК3-10А1НХР.BU электр энергияси ҳисоблагичи бу туркумдаги ҳисобга олиш асбобларининг етакчиси ҳисобланади. Бу асбоблар ишлаб чиқариш ва энергия таъминоти корхоналарида қўлланилиши учун уларнинг спетсификаси ҳамда бу соҳаларда электр энергиясини ҳисоблаш талабларини эътиборга олиб маҳсус ишлаб чиқилган. Бу туркумдаги ҳисоблагичлар 0,2S гача аниқлик синфига эга. Ток бўйича ёки ток ва кучланиш бўйича тўғридан-тўғри ва трансформатор орқали уланиши мумкин. Ўзгарувчан токдаги уч симли ёки тўрт симли тармоқларда қўлланилади. Барча ҳисоблагичлар инфрақизил порт ва RS485 порти билан жиҳозланган. Ҳисоблагич хотирасида актив ва реактив энергия учун фазалар бўйича юклама графиги сақланади, фазалар бўйича ток графиги олиб борилади. Графиклардан ҳар бирининг сақланиши муддати бир йилдан иборат. Ҳисоблагичлар кучланиш, ток, кувват, сос φ, тармоқ частотасининг жорий қийматлари мониторингини олиб боришга имкон беради; энергия графикини, ярим соат максимумларини сақлайди. Шу билан бирга тариф зоналарини ҳисобга олиш дастурланади. Юклама ёрдамида бошқариладиган модификатсия юкламани улаш/узиш учун ташки контакторни бошқаришга ва таъминот кучланиши бўлмаганида кўрсаткичларни олишга имкон беради. Бу ҳисоблагичлар асосида ЭНАТнинг тижорат ва техник ҳисоблари тўғрисида батафсил ва аниқ маълумот олиш имконини беради.

Ҳисоблагичлардаги шартли белгилар ва уларнинг номланиши:

- СТК – “Телекарт” маркали электрон ҳисоблагич;
- 3 – уч фазали;
- 0,2 – 0,2S; 0,5 – 0,5S; 10 – 1,0S аниқлик синфи;
- Q2 – икки йўналишда: актив ва реактив энергияни ҳисобга олиш;
- T1 (T2) – ток ва кучланиш бўйича уч (тўрт) симли трансформаторли уланиш: 100 В, 1 А;
- T3 (T4) – ток ва кучланиш бўйича уч (тўрт) симли трансформаторли уланиш: 100 В, 5 А;
- H3 (H4) – ток ва кучланиш бўйича уч (тўрт) симли тўғридан-тўғри уланиш: 220 В (380 В), 5 А;

H5 (H6) –ток ва кучланиш бўйича тўрт симли тўғридан-тўғри уланиш: 380 В, 10 А (40 А), (380 В, 40 А (100 А);

P – кўп функцияли, кўп тарифли, фазалар бўйича юклама ва ток графикларини шакллантириш, тармоқ параметрларини мониторинг қилиш, максимумларни қайд этиш, RS485 интерфейс, импульсли чиқиш, оптопорт;

t – - 40 дан +50⁰С гача ишчи ҳароратлар оралиғи.

Қўшимча функциялар

«U» – юкламани бошқариш функцияси;

«УВН» –ташқи таъминот тугуни (ТТТ).

4.2. Ҳисоблагичларнинг дастурий таъминоти

Ҳисоблагичларнинг дастурий таъминоти (ДТ) куйидаги параметрлардан иборат:

1. Идентификация параметрлари:

- ҳисоблагични «инициализация» санаси;
- ҳисоблагичнинг идентификатори.

2. Ҳисоблагичнинг асосий параметрлари:

- интеграциялаш даврлари (15, 30, 60 минут);
- вақтни корреция қилиш сониялар сони (кунда бир марта), ±10 сония оралиқларида;
- ёзги/қишики вақтга ўтиш (ҳа/йўқ);
- ёзги/қишики вақтга ўтиш параметрлари (сана, вақт);
- мавсумлар бўйича ойларни бўлиш (12 тагача);
- ҳар бир мавсум учун 8 тагача вақтли тариф зоналарини дастурлаш имконияти;
- шанба, якшанба ва байрам кунларида уларга алоҳида тарифлар бериш билан вақт зоналарини дастурлаш имконияти (модификатсияга боғлиқ равища).

3. Йиғиладиган маълумотлар ва сақланадиган ахборотлар:

- “Бутунлай”, “Бир ойга” форматдаги ҳар бир тариф учун ҳисобга олинадиган энергия миқдори (жорий ва олдинги, шунингдек, охирги 13 ойлик кўрсаткичлар);

- таъминотнинг уланишлари сони (тармоқ кучланишларининг йўқотилиши);

- ҳисоблагичга рухсат этишлар сони, охирги рухсат этишнинг санаси ва вақти;

- ҳисоблагич корпусининг очилишлари сони, охиргисининг санаси ва вақти.

4. Юкламани улаш/узишни бошқариш имконияти (модификатсияшга боғлиқ равища):

- 1 бошқариш каналларининг сони;
- тарификатсион вақт оралигини ишлаши вақти бўйича бошқариш имконияти;

- интерфейс бўйича ҳисоблагичга узатилган буйруқ бўйича бошқариш имконияти;
- бошқариш канали коммутатсиялайдиган кучланиш, 220 В дан ортиқ эмас;
- бошқариш канали коммутатсиялайдиган ток, 1 А дан ортиқ эмас.

Ҳисоблагични дастурлаш.

1. Ҳисоблагич параметрларини қуидагида дастурлаш мумкин:
 - кетма-кет порт бўйича компьютер юрдамида бошқариш;
 - параметрларни алмаштириш қурилмасидан фойдаланиш – оптопорт ёрдамида.
2. Ҳисоблагични дастурлаш энергия таъминоти корхонаси томонидан ишлатиш жойига ўрнатишдан олдин ёки ишлатилиши жараёнида “Енергия” масофадан бошқариш тизими воситалари орқали амалга оширилади.
3. Дастурлаш «Консол» дастури ёрдамида амалга оширилади.
4. Агар шанба, якшанба ва байрам кунлари алоҳида тарифлар бўйича тарифлаштириш зарурати бўлган ҳолларда, бу кунлар учун хам иш кунларига ўхшаш тарифларни тайинлаш ва вақт зоналарини дастурлаш зарур. Байрам кунларида ишлатиш учун байрам нишонланадиган кун саналарини кўрсатиш лозим.
5. Статистик ахборотларни йиғиш ва дастурлашни ўтказиш «Консол» ДТининг “Дастурлаш бўйича кўрсатмалар” бўлимида келтирилган.

4.1- жадвал. Бир ва уч фазали ҳисоблагичларнинг техник характеристикалари ва уларнинг тавсифи жадвали

№	Техник характеристикалар	Ўлчов бирлиг	Бир фазали	Уч фазали
1	Аниқлик синфи		1,0	1,0
2	Номинал кучланиш қиймати	V	220	3x220
3	Тармоқнинг номинал частотаси	Гц	50	50
4	Ҳисоблагичлар таъминоти кириш кучланишида амалга оширилади			
5	Номинал ток	A	5, 10, 40	5, 10
6	Максимал ток	A	40, 60, 100	60, 100
7	Ҳисоблагичнинг сезирлиги		0,0025I _{ном}	0,0025I _{ном}
8	Ҳисоблагич истеъмол қуввати	Bт	2	2
9	Ҳисоблагичларнинг габарит ўлчамлари	мм	200x130x80	170x330x92
10	Ҳисоблагичларнинг ўрнатилган ўлчамлари:			
	вертикал бўйича	мм	(150±2)	(230±2)
	горизонтал бўйича	мм	(108±2)	(150±2)
11	Ҳисоблагичларнинг оғирлиги	кг	2,8	3

Ҳисоблагични турли иш режимлариға ўтказиш

1. Ҳисоблагичда унинг иш режимига боғлик равиша бутун алфавитли-рақамли ахборотлар чиқариладиган бир сатрли ўн икки даражали СКИ кўлланилган.

“Асосий иш режими” да СКИ да жорий сана ва вақт сиклик маълумотлар акс эттирилади, шунингдек, ҳисоблагич ўрнатилган вақтдан бошлаб ҳисобга олинган электр энергиянинг умумий миқдори доимо акс эттирилади.

Ҳисобга олинган электр энергия ҳақида ахборотларни акс эттирилиши дастурлаштирилган режимга боғлик равиша 6 форматда ва вергулдан кейин 1 тагача (000000,0) ёки 6 ва 2 та белги (00000,00) бўлиши мумкин.

Изоҳ. Тўлиб кетишида (999999,9) ҳисобга олинган энергиянинг кейиги кўрсатилиши нолдан (000000,0) бошланади, лекин ҳисоблагич хотирасида нол орқали ўтмайдиган йигинди қиймат сақланади. Бу қиймат интерфейс каналлари орқали ҳисобларга сўров берилганда ўқилиши мумкин.

Жорий вақт акс эттирилишида СКИ биринчи даражада ёнадиган рақам ҳафта кунларининг тартибини билдиради: 1 – душанба, 2 – сешанба ва ҳ.к..

2. Ҳисоблагичда “Ish” ёруғлик диодили индикатор мавжуд. Бу ёруғлик диодининг пирпираши энергия истеъмоли ҳақида сигнал беради, бунда пирпираш частотаси қувват ортиши билан ортади.

3. Ҳисоблагичда “Limit” ёруғлик-диодли индикатор мавжуд. Бу ёруғлик диодининг ёнмаслиги тўловни ўз вақтида ва етарли даражада амалга оширилмаганлиги ҳақида сигнал беради. Бу ёруғлик диодининг пирпираши тўлов қолдигининг нолга яқинлашаётганлиги ҳақида хабар беради ва яқин вақтда тўловларни қабул қилиш бўлимларига бориш зарурлигини билдиради. Бу ёруғлик диодининг текис ёниши киритилган тўловни тўлиқ ишлатиб бўлинганлигини билдиради, агар автоматик ўчириш режими дастурлаштирилган бўлса ҳисоблагичдан юкламани автоматик узилиши мумкинлигини билдиради.

4. Ҳисоблагичда “Kontaktor” ёруғлик диодли индикатор мавжуд. Бу ёруғлик диодининг ёнмаслиги олдиндан тўлов билан бошқариладиган контакторнинг ёқилган ҳолати ҳақида (юклама электр тармоқка уланган), ёниши эса ўчирилгани ҳақида (юклама узилган) сигнал беради.

5. Оптопорт орқали ҳисоблагични очиш ёки ёпишга рухсат бериш имконияти мавжуд. Рухсат бериш “Консоль” дастури буйруғи ёрдамида очилиши ёки ёпилиши мумкин. Агар рухсат бериш ёпиқ бўлса, оптопорт орқали қандайдир ахборотни ўқиши ёки ёзиши мумкин бўлмай қолади (хусусан, параметрларни алмаштириш қурилмаси ёрдамида).


6. Оптопорт орқали рухсат бериш ҳисоблагич СКИ ида “СЕРВИС” режими менюси бўлимида қуйидаги ёзувлар орқали кўрсатилади:

opto yes - рухсат бериш очик.

opto no - рухсат бериш ёпиқ.

7. Електр энергиясини ҳисобга олиш кўрсаткичлари тўғридан-тўғри киловатт-соатларда, кўрсаткичининг даражалари сони қуйидаги форматда:


- 1) 00000,00 - вергулгача олтита белги, кейин иккита белги;
- 2) 000000,0 - вергулгача этита белги, кейин битта белги.




4.1-расм. СТК1 хисоблаги члеммалари

4.2-жадвал. СТК1 хисоблаги члеммаларининг вазифаси

Контакт	Вазифаси	Контакт	Вазифаси
1	Кириш кучланиши фазаси	6	Ташқи юкламани бошқариш канали
2	Кириш кучланиши фазаси	7	
3	Юклама кучланиши фазаси	8	
4	Кириш кучланиши ноли	9	
5	Юклама кучланиши ноли	10	Текшириш (телеметрик) чиқиши
		11	
		12	Ташқи алоқа порти
		13	



4.2-расм. Ташқи юкламали бошқариш занжирини улаш



4.3-расм. «Енергия – 9» СТК3-10А1НХР.ВУ ҳисоблаги чи клеммалари

4.3-жадвал. СТК3 ҳисоблаги чи клеммаларининг вазифаси


Контакт	Вазифаси	Контакт	Вазифаси
1	1 - фаза ток занжирининг кириши	2, 5, 8, 11	Ишлатилмайди
	Кучланиш занжирининг 1 фазаси	9	3-фаза ток занжири чиқиши
3	1 - фаза ток занжирининг чиқиши	10	Нейтрал (4- симли тармоқ учун
4	2 - фаза ток занжири кириши	12	Нейтрал (4-симли тармоқ учун
	Кучланиш занжирининг 2 фазаси	13-14	Текширув чиқиши
6	2 - фаза ток занжирининг чиқиши	15(+P, +T)	Ташқи алоқа порти
7	3 - фаза ток занжирининг кириши	16(-P, -T)	Ташқи алоқа порти
	Кучланиш занжири 3 фазаси	17,18	Ишлатилмайди

4.3. Ҳисоблагичларни ток трансформаторлари орқали улаш

Энергия тизимлари 0,4 кВ кучланишли тақсимлаш тармоқларида ва истеъмолчиларда ўлчов ток трансформаторларидан (ТТ) фойдаланиб электр энергияни тижорат асосида ҳисобга олиш сўнгги йилларда бир фазали икки чўлғамли 0,5 синфдаги ток трансформаторлари ва электрон ҳисоблагичларидан (актив ва/ёки реактив энергия) оммавий фойдаланиш асосида қурилди. Улардан ҳар бири ўз ток бўйича занжирлари билан учта бир фазали ТТ орқали уланади, параллел занжирлари билан (кучланиш бўйича) эса тўғридан-тўғри ўзгарувчан ток паст кучланишли уч фазали тўрт ўтказгичли тармоғи линиясига уланади (4.4-расм).

0,4 кВ дан юқори кучланишли тармоқларда ҳисоблагичларнинг параллел занжирлари уланадиган қўшимча ўлчов кучланиш трансформаторлари ишлатилади.

Кўрсатилган воситаларни реал шароитларда қўлланилишидаги кафолатланадиган ўлчашлар аниқлиги ўлчов комплекси – учта ТТ ли ҳисоблагичнинг йўл қўйиладиган нисбий хатолиги чегараси орқали аниқланади. Бу хатоликнинг ташкил этувчилари ТТ ва ҳисоблагичнинг тизимли ва тасодифий асосий токли ва бурчакли хатоликлари, шунингдек, турли таъсир этувчи омиллар таъсири билан боғлик уларнинг қўшимча хатоликлари ҳисобланади.



4.4-расм. Учта бир фазали ТТ орқали уч фазали уч элементли ҳисоблагични улаш схемаси

Истеъмолчилар юкламаларининг камайиши ва сезиларли тебранишларида кўриб чиқилган ҳисобга олиш катта хатолик билан фарқланади, бу умуман электр энергияни асбобли камомадига ва тижорат йўқотишларини ортишига олиб келади. Электр тармоқлари худудларида (ЭТХ) унинг нимстансияларида кўпинча юқори кучланишлар томони бўйича олинган олинган электр энергия ва паст куланишлар томони бўйича истеъмолчиларга берилган электр энергия бўйича 20 % ва ундан ортиқ нобаланс қайд этилмоқда. Баъзан истеъмолчи электр иенергиядан фойдаланаётган, унда паст қувватли электр қурилмалар ва ёритиш ишляпти, энергия тизимиning ҳисоблагичлари эса нолли истеъмолни кўрсатадиган мантиққа зид ҳолатлар юз беради. Турли баҳолашлар бўйича асбобли камомад орқали аниқланадиган электр энергияни тижорат йўқотишлари (ўлчаш воситаларининг хатоликлари, уларнинг нотўғри танланиши ва ишлатилиши) улуши бутун тижорат йўқотишларининг 25 - 30% га этади.

4.4-жадвал. Бирламчи токнинг катта ўзгариш диапазонига 0,5 ва 0,5S аниқлик синфларидаги ток трансформаторлари токли хатоликларининг боғликларини танлаштирилган

Бирламчи токнинг катта ўзгариш диапазони	Токли хатолик	
	0,5 аниқлик синфи	0,5S аниқлик синфи
100 – 120% I_{1n}	0,5%	0,5%
20 – 100% I_{1n}	0,75%	0,5%
5 – 20 I_{1n}	1,5%	0,75%
1 – 5% I_{1n}	мөъёраштирилмаган	1,5%

Ток трансформаторларининг моделларини танлаш

Электр энергиясини ўлчаш ва ҳисобга олиш воситалари бозорида одатда ўлчов воситалар Давлат реестрига киритилган ва турли ишлаб чиқарувчилар ёки уларнинг вакиллари таклиф этадиган ўнлаб турли ТТ моделлари тақдим этилади. Биринчи навбатда Давлатлараро стандарт “Ток трансформаторлари. Умумий техник шартлар” ГОСТ 7746-2001 га мос келиши керак бўлган бу барча қурилмалар кўп жиҳатдан ўз декларация қилинган техник характеристикалари бўйича яқин, лекин ҳақиқатда ишлатишдаги синовлар ва тажрибаларнинг кўрсатишича энергия тизимларида ва истеъмолчиларда электр энергияни тежамкор, ишончли ва аниқ ҳисобга олиш учун узок муддатли истиқболда тенг баҳоли эмас. Деярли барча ишлаб чиқарувчиларнинг рекламаларида ва техник хужжатларида малакали фойдаланувчига қизиқарли бўлган ва энергия тизими ва фойдаланувчилар эҳтиёжлари учун уларни сотиб олишда ТТ ни танлашга сезиларли таъсир қила оладиган ТТ нинг кўплаб маълумотлари ва характеристикалари мавжуд эмас.

Нанокристалли қотишмалардан ўзакли ТТ лар электротехник пўлатдан ўзакли ТТ ларга нисбатан 1,5 - 2 мартаға қиммат бўлишига қарамасдан улар куйидаги қатор авзалликларга эга:

ўзгармас ток билан ўзакни магнитлашга мерологик характеристикаларнинг барқарорлиги;

уюрмавий токлар ва ўзакнинг қайта магнитланишига йўқотишларни 4 - 10 мартаға камайиши;

аниқлик синфи бўйича оширилган (иккиланган) технологик заҳира;

мерологик характеристикалар сақланиб қоладиган узокроқ хизмат қилиш муддати (ва бу билан потенсиал катта текширишлараро интервал;

ўзак материалига ва мисга кам ҳаражатлар, кам ташқи ўлчамлар, кам ўзак ва умуман ТТ оғирлиги.

Нанокристалли ўзакли ТТ нинг кўрсатилган авзалликлари электр энергияни ўғирланишларига ва тижорат йўқотишларни ортишига уларни барқарорроқ қиласди, электр энергияни технологик йўқотишларни ва эксплуататсион ҳаражатларни камайтиради.

Шунинг учун қонуниятли хулоса келиб чиқади – ҳисобга олиш аниқлигини ошириш учун нанокристалли қотишмадан ўзакли ТТ ни қўллаш

зарур. Лекин, бундай ток трансформаторларининг хатоликлари қуидаги икки шартлар бажарилганида ортади:

- максимал бирламчи токда;
- иккиламчи занжирда юкламанинг ортиши билан (юклама қаршилигини ортиши).

Шунинг учун амалда ТТ иккиламчи занжирларини монтаж қилиш ва ишлатишга талабларга қатъий риоя қилиш талаб қилинади.

Ток трансформаторларининг иккиламчи занжирларини монтаж қилиш ва ишлатишга талаблар

ТТ метрологик характеристикаларини таъминлаш учун унинг иккиламчи юкламасини камайтириш муҳимлигини таъкидлаш керак. Паст кучланишли кўплаб ТТ моделлари учун номинал иккиламчи юклама 5 ВА ёки 0,2 Ом га teng (5 А номинал токда). Бу шуни билдирадики, биринчидан, иккиламчи занжирга фақат ТТ юкламаси (ҳисоблагич, ваттметр, фазометр кетма-кет занжири, амперметрлар) билан мослаштирилган юкламани ($Z_{2\text{v}_A} < Z_{2N}$) улаш мумкин, иккинчидан, ТТ иккиламчи занжири клеммаларидан ўлчаш асбоблари клеммаларигача улаш симлари минимал қаршиликка эга бўлиши керак (қанча кам бўлса, шунча яхши), яъни чекланган l (м) узунликка ва S (мм²) катта кесимга эга бўлиши керак, бу эрда д диаметрли айланали сим учун $S = \pi d^2/4$ ва алюминий эмас, мис симларда бажарилади. Алюминийли симнинг солиширма қаршилиги $\rho \approx 0,027$ Ом·мм²/м бундай кесимдаги мисли симнинг солиширма қаршилигидан ($\rho \approx 0,0175$ Ом·мм²/м) 1,5 мартаға катта. Симларнинг қаршилиги $R = \rho l / S$ формула бўйича ҳисобланиши мумкин ва тижорат ҳисобга олиш нуқтасининг паспортида кўрсатилиши керак.

Қўйида 4.5-жадвалда S (мм²) сим кесими ва йўттдан ҳисоблагич ток занжирлари клеммаларигача бўлган l (м) масофадан мис симлар жуфтлигининг қаршиликлари қийматлари келтирилади. Мисли симлар ўрнига шундай кесимли алюминийли симлар ишлатилганда жадвалда келтирилган қийматларни 1,5 мартаға кўпайтириш керак бўлади. $I_{2n} = 5$ А номинал токда электр энергияни симларда йўқотилиши куввати ($\Delta P = I_{2n}^2 \cdot R$), жадвалга мувофиқ 0,25 ВА ($R = 0,01$ Ом да) дан 22 ВА (0,88 Ом да) гача бўлади.

4.5-жадвал. ТТ дан ҳисоблагичларгача алоқа линиялари қаршиликларининг маълумотлари

I/S (д/мм ²)	1 мм ² (1,13)	1,5 мм ² (1,38)	2 мм ² (1,6)	2,5 мм ² (1,78)	4 мм ² (2,26)	6 мм ² (2,76)	10 мм ² (3,57)	16 мм ² (4,5)
5 м	0,18	0,12	0,09	0,07	0,05	0,03	0,02	0,01
10 м	0,35	0,23	0,18	0,14	0,09	0,06	0,04	0,02
15 м	0,53	0,35	0,27	0,21	0,13	0,09	0,05	0,03
20 м	0,7	0,47	0,35	0,28	0,18	0,12	0,07	0,04
25 м	0,88	0,59	0,44	0,35	0,22	0,15	0,09	0,06

Тижорат асосида ҳисобга олишда электрон ҳисоблагичлардан фойдаланиш ТТ номинал юкламасига талабларни камайтиради. Уни 5 В А қиймат билан чегаралаш мумкин. Бу якуний натижада пропорсионал равишда асбобли ҳисобга олишда электр энергияни техник йўқотишларни камайтиради.

Агар ишлатилиши шароитлари бўйича ТТ ни ҳисоблагичдан узоқда жойлаштириш (масалан, 25 м ва ундан узоқроққа) зарур бўлган ҳолларда номинал юклама оширилган қувватли ТТ ёки 1 А номинал токли шунда қувватли ТТ дан фойдаланиш зарур (бунда иккиламчи занжирнинг йўл қўйиладиган максимал ташки қаришилиги 25 мартаага ортади). Сўнгги ҳолда мос равишда 5 А га эмас, 1 А номинал токка ҳисоблагичларни қўллаш зарур.

Назорат саволлари:

1. Электр энергияси ҳисоблагичлари нима учун мўлжалланган?
2. Бир ва уч фазали электр энергияси ҳисоблагичларининг қўлланилиш соҳалари?
3. Бир ва уч фазали электр энергияси ҳисоблагичларининг ДТИ нималардан иборат?
4. Ҳисоблагич схемасида қандай белгиланишлар қабул қилинади?
5. Бир ва уч фазали ҳисоблагичнинг техник характеристикаларини санаб ўтинг?
6. Ҳисоблагич клавиатуроси орқали қандай ишлар бажарилади?
7. Электр энергияси ҳисоблагичларининг қандай иш режимлари бор?
8. Электр энергияси ҳисоблагичлари клеммаларининг вазифаси нималардан иборат?
9. “Энергия-9” ҳисоблагичининг тўғридан-тўғри уланиш схемасини тушунтиринг?
10. ЭНАТнинг техник воситаларига нималар киради?
11. Ҳисоблагичларни ток трансформаторлари орқали улаш схемасини тушунтириб беринг.
12. ТТ моделларини танлаш нималарга боғлик?
13. Нанокристалли ўзакли ТТ нинг афзалликлари нималардан иборат?
14. Ток трансформаторларининг иккиламчи занжирларини монтаж қилиш ва ишлатишга қандай талаблар қўйилади?
15. ТТ дан ҳисоблагичларгача алоқа линиялари қаршиликларининг маълумотлари жадвалини тавсифланг.

ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Аллаев К.Р. Электроэнергетика Узбекистана и мира, – Т.: «Fan va texnologiya», 2009. – 463 с.
2. Аллаев К.Р. Энергетика мира и Узбекистана, – Т.: Молия, 2007.- 388с.
3. Троицкий-Марко Т.Е., Будадин О.Н., Михалков С.А. Научно-методические принципы энергосбережения и энергоаудита. Т.1. Научно-методические принципы энергоаудита и энергоменеджмента. М.: //Наука, 2005. – 540 с.
4. Т.Х. Носиров, С.Э.Шаисматов. О создании автоматизированных систем коммерческого учета электроэнергии // Проблемы энерго- и ресурсосбережения, – Т.: ТашГТУ, 2006. - №3.
5. Электроэнергетика Узбекистана. // ГАК «Узбекэнерго», – Т., 2002.
6. Ожегов А. Н.Системы АСКУЭ: учебное пособие/– Киров: ВятГУ, 2006. – 102с.
7. СТО АТС 02.03.17 – 2003 Коммерческий учет на оптовом рынке электроэнергии. Автоматизированные информационно измерительные системы. Порядок допуска к приёмочным испытаниям. – М.: Стандарт, 2004. – 20 с.
8. Воронин А.В., Хамиянов А.Е., Образцов В.С., Смирнов В.Н., Ядыкин И.Б. Интегрированные автоматизированные системы учета энергоресурсов с применением многофункциональных счетчиков электрической энергии и мощности фирмы АББ // Промышленная энергетика, – М.: 2000. - №10
9. Васильева М.В., Гусляев А.М., Маштакова А.В. АСКУЭ для промышленных предприятий. // Промышленные АСУ и контроллеры, –М.: 2000. - №6
- 10.Многофункциональный счетчик электрической энергии типа «Альфа». Техническое описание и инструкции по эксплуатации. СП АББ ВЭИ Метрона. – М.: 1999.
- 11.Гуртовцев А.Л. О метрологии цифровых АСКУЭ и границах метрологической экспансии// Промышленные АСУ и контроллеры, – М.: 2007. - №5
- 12.Гуртовцев А.Л., Правила приборного учета электроэнергии. //Глобальный проект белорусских энергетиков. Новости ЭлектроТехники. 2004. - №6 (30)
- 13.Тубинис В.В. Создание автоматизированной системы учета и управления потреблением электроэнергии в Италии //Электро, –М.: 2004. -№4
- 14.Тубинис В.В. Особенности организации коммерческого учета электроэнергии в распределительных устройствах 6-10 кВ с токоограничивающими реакторами //Электро, –М.:2004. - №2
- 15.Тубинис В.В. Итальянская система дистанционного управления абонентской сетью // Электро, –М.: 2003. - №4

16. Гашо Е.Г., Ковылов В.К. Опыт эксплуатации АСКУЭ в ОАО «Белокалитвинское металлургическое производственное объединение» // Промышленная энергетика, – М.: 2002. - № 10
17. Задачи прогнозирования энергопотребления в интегрированной АСКУЭ // Энергосбережение, – М.: 2007. - №1, с.42-44.
18. Осика Л.К. О проблемах создания общероссийской системы коммерческого учета электроэнергии.// Энергетик, – М.:2007. - №4, с.18-20.
19. Енэда Фумисигэ. Куки тева эйсэй когаку// J. Soc. Heat Aircond and Sanit. Eng.Jap. – 1987 – 61 - №2 –Р. 107-116 (Энергосберегающий проект Moonlight, Япония).
20. Закон Республики Узбекистан «О рациональном использовании энергии» №412-1 от 25 апреля 1997 г.
21. «Правила проведения энергетических обследований и экспертиз потребителей топливно-энергетических ресурсов» Постановление КМ РУз от 7 августа 2006 года № 164.


АМАЛИЙ МАШГУЛОТ МАЗМУНИ

Амалий машгүлөт №1 «Altair Jr» ЭНХАТ дастурины иш принципини ўрганиш

Ишдан мақсад: Талабаларга ЭНХАТ «Altair Jr» дастури пакети таркибини ва унинг имкониятларини ўргатиш ва уларда бу дастур ёрдамида ишлаш қўникмаларини шакллантириш.

Назарий қисм


Ишнинг бошланиши



«Altair Jr» ўрнатилганидан кейин, “Пуск” (“Ишига тушириши”) менюсидан мос бўлимни танлаш орқали у ишга туширилиши мумкин. Дастурни ишга туширилиши *админ* номи ва *админ* пароли билан амалга оширилиши зарур. Дастур *маъмур* (тизимни созлаш) ёки *диспетчер* (тўғридантўғри ишлаш) иш режимларидан бирида ишга туширилиши мумкин.

Режимни танлаш киритиш ойнасида фойдаланувчи номи ва пароли орқали амалга оширилади, кейин эса бу ахборот ишчи ойна сарлавҳасида акс этади.

Тизимда икки турдаги фойдаланувчилар аниқланиши мумкин: маъмурлар ва диспетчерлар. Маъмурлар тизимни созлашни амалга ошириши, шунингдек, диспетчерларни имкониятларда чеклаши мумкин.



Жорий ўлчашлар


Бу меню ток, кучланиш, кувватларнинг оний қийматларини, шунингдек, тармоқ сифатини характерлайдиган параметр қийматларни олишга имкон беради. Бу имконият тармоқни сифат кўрсаткичларини оператив назорат қилишга имкон беради, дастурда бу кулай график шаклда тақдим этилган.

Ток ва кучланишлар вектор диаграммаларини график акс эттирилишидан ташқари, қуйидаги кўрсаткичлар ҳақида атрофлича рақамли ахборотлар чиқарилади:

- актив ва реактив қувват, тармоқ частотаси, тармоқ сифати;
- башорат қилинадиган юклама графикининг кейинги нуқтаси қиймати (ПА_Нехт);

- ҳар бир фаза бўйича кучланиш ва токлар қиймати.

Юқори қисмда ҳисоблагичнинг номи, у кирадиган ҳисоблагичлар туркуми, ахборот долзарб бўлган вақт ҳам акс эттирилади.



Ҳисоблагичдан оний ўлчашларни олиш автоматик тарзда амалга оширилади. Шунингдек, “Автообновление” (“Авто янгиланиш”) байроқчасидан фойдаланиш мумкин, бу ҳолда ҳисоблагичга сўровлар акс эттириладиган ахборотни доимий долзарблигини таъминлаш билан автоматик юборилади.

Жадвалда қизил ранг билан белгиланган қийматлар бу параметрга ўрнатилган лимитдан ортиб кетиш ҳақида билдиради. Лимитларни кўриб чиқиши, ўрнатиш ёки қийматларини ўзгартириш ҳар бир ҳисоблагич учун “Свойства” (“Хосса”) менюсида амалга оширилади. Бунинг учун керакли ҳисоблагичга сичқончанинг ўнг тугмасини, кейин “Свойства” (“Хосса”) ва “Лимиты” (“Лимитлар”) кўйилмасини (закладка) босиш етарли бўлади

Энергия графиги

Ҳисоблагичдан олинган статистик маълумот асосида ЭНҲАТ «Altair Йг» қуидагиларни шакллантиришга имкон беради:


- энергия турлари бўйича график;
- юклама графиги;
- ҳисобга олиш гурухлари бўйича ихтиёрий вақт учун энергия истеъмоли ҳақида ҳисбот;
- турли даврларга бўлиш билан ҳисобга олиш гурухлари бўйича энергия истеъмоли ҳақида жамланган ҳисбот.

Бу график ҳисоблагич ҳисобга олган умумий йиғиндига (кросссумма) кирадиган электр энергияси қийматларини график ва матнли кўринишида

кўриб чиқишига имкон беради. Графикни кўриб чиқиш ва таҳлил қилиш учун рўйхатдан энергия турини танлаш (ойнанинг юқори қисмидаги “*Тип параметра*” (“Параметр тури”) сатри) ва сўров интервали чегараларини бериш керак бўлади.

Сутканинг вақт зоналари ранглар билан белгилаб ажратилган:

- кўк тун;
- яшил ярим максимум;
- қизил максимум.



Энергия графикининг сонли қийматларининг жадвали ойнанинг чап томонида жойлашиши учун ишчи ойнанинг юқори чап қисмидаги инструментлар панелидаги “Таблица” (“Жадвал”) тутмасини босиш зарур. Шундан кейин ишчи ойнанинг ташки кўриниши ўзгаради:

Зарурат туғилганда графикни устунлар ёки линиялар кўринишида кўрсатилишини ёки ёки ўчириш мумкин. Бунинг учун ишчи ойнанинг инструментлар панелидаги керакли тутмани босиш зарур ва маълумот график кўринишга эга бўлади.

Бунда экрандаги шаклларнинг исталган параметрларни ўзгартириш орқали оператив ишлаш имконияти яратилади:

- энергия тури (актив/реактив, истеъмол/генерация);
- ҳисобот даври;



- акс эттириш режими: жадвални, график кўринишини ва бошқаларни кўрсатиш/кўрсатмаслик.


Графикни босиб чиқариш учун ишчи ойнанинг инструментлар панелидаги

“Печать” (“Чоп этиши”) тут масини босиш зарур.

Юклама графиги

Бу график ҳисоблагич ҳисобга олган умумий йифиндиға (кросс-сумма) кирадиган электр энергияси қийматларини график күринишида ва матнли күринишида күриб чиқишига имкон беради. Графикни күриб чиқиши ва таҳлил қилиш учун рўйхатдан энергия турини танлаш (ойнанинг юқори қисмидаги “*Тип параметра*” (“*Параметр тури*”) сатри) васўров интервали чегараларини бериш керак бўлади.

Бунда экранда юклама графигининг ташқи күриниши ва таҳлил қилиш шакли функционал имкониятлари энергия графигини таҳлил қилиш шаклига ўхшашиб пайдо бўлади.




Энергия истеъмоли

Энергия истеъмоли ҳақида ҳисботот кўрсатилган даврда ҳисобга олинган энергия бўйича ҳисботни тузишга имкон беради. Созлашларда интегратсия даврини (секундларгача аниқликда кўрилаётган даврнинг бошланишидан ва охиригача), оператив назорат қилиш гурӯҳини (гурӯҳни яратиш бўйича юқоридаги умумий йифиндини (кросс-сумма) яратиш бўлимига қаранг), шунингдек, айнан қайси энергия тури бўйича (Актив “-”, Актив “+”, Реактив I квадрант, Реактив II квадрант, Реактив III квадрант, Реактив IV квадрант) ҳисботни чиқариш мумкинлигини кўрсатиш мумкин.

“Период” (“Давр”) қайта улагичининг ўрнатилишига қараб қўйидаги учта позитсия кўзда тутилади:

- * барча маълумотлар;



- * соатбай;
- * суткабай.

Хисобот очиқ күринишида ёки жамланган күринишида тақдим этилиши мумкин.

Ойнанинг юқори қисмида қайси ҳисоблагичлар гурухы учун ҳисобот шакллантирилаётганлиги, айнан қайси ҳисоблагичлар ҳисоботнинг шакллантирилишини бажарилиши ҳолати ва оператив назорат қилиш гурухига кириши түғрисидаги ахборотларни олиш мумкин. Ҳисобот күринишини ўзгартириш қандайдир буйруқларсиз, яъни параметрлардан бирини ўзгартириши билан автоматик тарзда амалга ошади.

Из. Текущие показания - ТП №53804]			
Окно Справка			
Группа счетчиков		Уровень РЭС	
Счетчик		ТП №53804	
Состояние		с 18.07.2011 по 30.03.2012	
Начало периода:	18.07.2011	0:00:00	<input type="button" value=""/>
			Конец периода: 30.03.2012 0:00:00 <input type="button" value=""/>
		<input type="checkbox"/> Генерация	<input checked="" type="checkbox"/> Пользовательские коэффициенты <input type="checkbox"/> Период
Дата, время	Активная +, kWh	Реактив+ I, kVAh	Реактив- IV, kVAh
30.09.2011 9:00:00	0,000	0,000	0,000
03.03.2012 10:30:00	0,534	0,000	0,003
10.03.2012 9:30:00	0,102	0,000	0,001
10.03.2012 10:00:00	0,047	0,000	0,000
10.03.2012 10:30:00	0,047	0,000	0,000
ВСЕГО	0,731	0,000	0,004

Ҳисобот жадвалида қуидагиларни күриш мумкин:

- алоҳида даврларда актив энергия истеъмоли;
- барча олдинги вақт учун йифилган актив энергия истеъмоли (“Накопительно” “(Йигилган”) колонкаси).

Жамланган энергия

Менюнинг бу бўлими кўрсатилган даврда ҳисобга олинган энергия бўйича ҳисоботни тузишга имкон беради, унда битта шаклда учта энергия турлари акс эттирилади. Ҳисобот учун берилганлар умумий йифинди (кросс-сумма) қоидаси бўйича гурухлаштирилганлар ҳисобланади, унга ҳисоблагичлар қийматлари кирмайди. Генератсия байроқчаси ёқилгани ёки ёқилмаганлигига боғлик равишда ҳисоботда Актив “-”, Реактив 2 ва 3 чорак энергиялар (байроқ ёқилган) ёки Актив “+”, Реактив 1 ва 4 чорак энергиялар (байроқ ўчирилган) акс эттирилади.

Созлашларда “Период” (“Давр”) (секундларгача аниқликда кўрилаётган даврнинг бошланиши ва охири), Оператив назорат қилиш гурухини (гурухни яратиш бўйича юқоридаги Кросс-йифиндини яратиш бўлимига қаранг) ва бериш мумкин.


Хисобот очиқ кўринишда ёки жамланган кўринишида тақдим этилиши мумкин.

“Период” (“Давр”) қайта улагичининг ўрнатилишига боғлиқ қўйидаги учта позитсия кўзда тутилади:

- барча маълумотлар;
- соатбай;
- суткабай.

Ойнанинг юқори қисмида қайси хисоблагичлар гуруҳи учун ҳисобот шакллантирилаётганлиги, айнан қайси хисоблагичлар сўров ҳолати ва оператив назорат қилиш гуруҳига кириши тўғрисидаги ахборотларни олиш мумкин.

Тарифлар бўйича ҳисобот



“Тарифлар бўйича ҳисобот” кўрсатилган даврда ҳисобга олинган энергия бўйича турли ҳисботларни тузишга имкон беради.

Созлашларда “Период суток” (“Сутка даври”) (Тун, ярим максимум, барчаси ёки жами), “Тип тарифа” (Ишчи, байрам, шанба, якшанба ёки жами), шунингдек, айнан қайси “Тип энергии” (“Энергия тури”) бўйича (Актив “+”, Актив “-”, Реактив I квадрант, Реактив III квадрант, Реактив III квадрант, Реактив IV квадрант) ҳисботни чиқариш мумкинлигини кўрсатиш мумкин.

Ҳисобот жадвалида қўйидагиларни қўриш мумкин:

- тариф бўйича ҳисоблагичларнинг жорий кўрсаткичлари;
- алоҳида вақт давларидаги энергия истеъмоли (“Накопительно” (“Йизилган”) колонкаси).

Назорат саволлари

1. «Altair Jr» дастурини ишга тушириш қандай амалга оширилади?
2. ЭНХАТ «Altair Jr» дастурининг қандай иш режимлари мавжуд?
3. Электр параметрларни жорий ўлчаш қандай амалга оширилади?
4. Энергия ва юклама графиклари қандай чизилади?
5. Истеъмол қилинган энергия ҳисботининг тузилмаси қандай шакллантириллади?
6. Тарифлар бўйича ҳисббот қандай тузилади?

Амалий машғулот № 2

Электр стансиялар поғонасида ЭНХАТни ўрганиш

Ишдан мақсад: Тингловчиларни электр стансиялар (ЭС) поғонасидаги ЭНХАТ билан таништириш ҳамда кейинги поғона истеъмолчилариға узати-лаётган қувватлар қийматларини ўлчаш кўникмаларини шакллантириш.

Назарий қисм

Исталган мураккабликдаги поғонадаги ЭНХАТ (“Ўзбекэнерго” АЖ, МЭТ, ЭТК, ТЭТ, ПС, ЭС) бир хил схема бўйича қурилади.

Фарқи конфигуратсияда, техник ва дастурий воситалар сонида кўринади.

“Ўзбекэнерго” АЖ синфидағи корхона ЭНХАТ бир қатор ўзига хос хусусиятларга эга. Аввало, унинг етарлича географик кенг тарқалгандиги, чунки “Ўзбекэнерго” АЖ субъект ҳудудига (вилоят, республика) хизмат кўрсатади. Бу шуни билдиради, ЭНХАТ ўзаро алоқа коммуникатсиялари орқали ҳудудий ЭНХАТ га (ХЭНХАТ) бирлаштирилган локал тизимлардан (ЛЭНХАТ) ташкил топади.

“Ўзбекэнерго” АЖ таркиби ПС, ТЭТ, ЭТК, МЭТ ва ЭС каби бир неча корхоналар кириши мумкин.

“Ўзбекэнерго” АЖ учун ЭНХАТ муаммоларини қуидаги бир неча йўналишларга бўлиш мумкин:

- тизимлараро ва давлатлараро оқимлар (перетоки) (ФОРЭМ да ҳисоблашларни автоматлаштириш);
- ички тизимли оқимлар (перетоки);
- фойдаланувчилар (фойдаланувчилар билан ҳисоблашларни автоматлаштириш).

Тақдим этилган йўналишлардан ҳар бири ўзига хос хусусиятга эга, лекин уларни ташкил этиш умумий принсип асосида амалга оширилади.

Ҳисоблагичларнинг асосий қисми биринчи поғона маълумотларни йиғиш марказлари билан тўғридан-тўғри алоқа каналлари орқали доимий боғланган ва ЭНХАТ ни ташкил этишнинг учинчи усулидаги каби берилган сўров жадвалига мувоғиқ амалга оширилади. Баъзи ҳисоблагичлар ва биринчи поғона маълумотларни йиғиш марказлари орасида доимий алоқа бўйласлиги мумкин, улар ЭНХАТ ни ташкил этишнинг учинчи усулидаги каби кўчма компьютер ёрдамида бажарилиши мумкин. Ҳисоблагичлардан бирламчи ахборотлар биринчи поғона маълумотларни йиғиш марказлари МО га ёзилади, унда маълумотларни қайта ишлаш ҳам амалга ошади. Иккинчи поғона маълумотларни йиғиш марказларида ахборотларни қўшимча бирлаштириш ва тизилмалаштириш, уларни иккинчи поғона маълумотларни йиғиш марказлари МО га ёзиш орқали амалга оширилади. ЭНХАТ ни бундай ташкил этиш усулида МО сифатида ORACLE8.X маълумотлар омборини бошқариш тизимидан (МОБТ) фойдаланиш тавсия қилинади. Алфа МАРКАЗ


дастурий комплексининг асосий конфигуратсияси 4, 8, 16, 32 алоқа каналлари бўйича маълумотларни параллел йиғишни ташкил этишга имкон беради. 16, 32 каналларда коммуникатсион сервер сифатида алоҳида ЭҲМ ни ишлатиш зарур.

Алоқа каналлари ажратилган, коммутатсияланадиган, тўғри уланишли бўлиши мумкин. Ҳар бир каналнинг параметрлари линиянинг тури ва унинг характеристикаларига боғлиқ равишда индивидуал созланиши мумкин. Тизимда бир неча коммуникатсион серверлар параллел ишлаши мумкин. Бунда маълумотларни йиғиш тизими барча параметрларининг тавсифи, обектларнинг барча электр ва ҳисоблаш схемаларининг тавсифи, шунингдек, барча бирламчи ва ҳисоблаш маълумотлари фақат МО серверида ва маълумотларни йиғиш маркази иловаларида сакланади. Маълумотларни йиғиш маркази фақат маълумотларни йиғиш ва қайта ишлашни амалга оширади.

Фойдаланувчилар АИЖ лари уларга локал тармоқ бўйича уланади. Обектда ҳисоблагичлар сони унча катта бўлмаганида биринчи поғона маълумотларни йиғиш маркази АИЖ функциясини бажариши мумкин. Биринчи поғона маълумотларни йиғиш марказлари иккинчи поғона маълумотларни йиғиш марказлари билан боғланган. Алоқа каналлари локал тармоқ бўйича ажратилган, коммутатсияланадиган, тўғридан-тўғри уланишли бўлиши мумкин. Иккинчи поғона маълумотларни йиғиш маркази сервери биринчи поғона маълумотларни йиғиш маркази МО дан ўрнатилган жадвалга мувофиқ зарур ахборотларни автоматик сўрайди. Худудий тақсимланган ўрта ва йирик қувватли корхона ёки энергетик тизими учун кўп поғонали ЭНҲАТ ни ташкил этиш қўйидаги масалаларни ечишга имкон беради:

- етказиш/истеъмол параметрларини аниқ ўлчаш;
- корхона ва унинг инфратузилмавий элементлари (турап-жой ва иссиқлик объектлари, цехлар, бўлинмалар) бўйича энергия ресурсларини комплекс автоматлаштирилган тижорат ва техник ҳисобга олиниши;
- электр энергиясига ҳисоблашни амалга ошириш учун шартномаларни олиб бориш ва тўлов ҳужжатларини шакллантириш;
- берилган вақт интерваларида (5 минут, 30 минут, зоналар, сменалар, суткалар, декадалар, ойлар, кварталлар ва йиллар) берилган лимитлар ва қувватни технологик чеклашларга нисбатан ҳисобга олиш нуқталари ва объектлари бўйича энергия истеъмоли ва электр энергиясининг сифат кўрсаткичини назорат қилиш;
- меъёрий-маълумотлар ахборотларини олиб бориш;
- электр энергиясини ҳисобга олиш ва электр энергиясининг сифат кўрсаткичини назорат қилиш бўйича маълумотларни қайта ишлаш ва ҳисботларни шакллантириш;
- энергия ресурсларининг назорат қилинадиган параметрларининг

- ўзгаришларини қайд этиш, уларнинг энергия истеъмолини ҳамда ишлаб чиқариш жараёнларини таҳлил қилиш учун абсолют ва нисбий бирликларда баҳолаш;
- назорат қилинадиган катталикларни рухсат этиладиган қийматлар оралиқларидан ўзгаришлари ҳақида сигнализатсия (ранг билан, товуш билан);
- маълумотларнинг тўлиқлигини таҳлил қилиш;
- объектларнинг электр боғланишларини ва уларнинг характеристикаларининг тавсифи;
- коммуникатсия ва характеристика сўровларини параметрлаштириш;
- тизимни таҳлил қилиш;
- ягона тизим вақтини ушлаб туриш.



Топшириқ

1. ЭС поғонаси тасвирланган лаборатория стендини ўрганиб чиқинг.
2. ЭС поғонасида ўрнатилган ҳисоблагичларни ўрганиб чиқинг.
3. Ҳисоблагичлардан сўралган қийматларни олиб, қуидаги жадвални тўлдиринг.
4. ЭС поғонасида генератсия қилиш ва кейинги поғонага узатиш оралиғида қувват истрофларини аниқланг.
5. Кўрилаётган сана учун (сана ўқитувчи томонидан берилади) ЭС поғонасининг қабул қилаётган электр энергияси миқдорини аниқланг ва кунлик юклама графиги қулинг.

Кўрсаткич	+W, kW·c	- W, kW·c	ΣW , kW·c	Q_I , kВАр	Q_{II} , kВАр	Q_{III} , kВАр	Q_{IV} , kВАр	ΣQ , kВАр
Электр энергия								
Генерация								
Хусусий эҳтиёж								
Технологик эҳтиёж								
Кейинги поғонага узатиш								

Ҳисоботни расмийлаштириш

Ҳисобот – ишдан мақсад, лаборатория натижаларидан (ишни бажариш тартиби орқали аниқланадиган кетма-кетликда) ташкил топиши керак.

Ҳисоботда қуидагилар келтирилади:

- лаборатория стендининг схемаси;
- лаборатория стенди элементларининг паспорт маълумотлари;
- жадваллар қўринишида келтириладиган лаборатория асосида аниқланган қувватлар ва энергиялар қийматлари;
- иш натижаларини таҳлил қилиш ва хулосалар.

Назорат саволлари

1. Кўп поғонали ЭНҲАТ қандай масалаларни ечишга имкон беради?
2. Ҳисоблагичларнинг асосий қисми нима билан боғланган?
3. ЭС поғонасида АИЖ қандай функцияни бажаради?
4. ЭС поғонасида қандай ҳисоблагичлар ўрнатилган?
5. Ҳисоблагичларнинг кўрсаткичлари қандай олинади?

VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ

Тингловчи мустақил ишни муайян модулни хисусиятларини хисобга олган холда қуидаги шакллардан фойдаланиб тайёрлаши тавсия этилади:

- меъёрий хужжатлардан, ўқув ва илмий адабиётлардан фойдаланиш асосида модул мавзуларини ўрганиш;
- тарқатма материаллар бўйича маъruzалар қисмини ўзлаштириш;
- автоматлаштирилган ўргатувчи ва назорат қилувчи дастурлар билан ишлаш;
- маҳсус адабиётлар бўйича модул бўлимлари ёки мавзулари устида ишлаш;
- тингловчининг касбий фаолияти билан боғлиқ бўлган модул бўлимлари ва мавзуларни чуқур ўрганиш.

Мустақил иш мавзулари

1. Узбекистон энергосистемасининг Электр энегрияси назоратини автоматлаштирилган тизимини (ЭНАТ) ўрганиш.
2. ЭНАТнинг поғоналари ўрганиш.
3. Электр энергия хисоблагичлари ривожланишини ўрганиш.
4. Электр энергия сарфини хисобга олувчи замонавий электрон хисоблагичлар.
5. Саноат корхоналарида ЭНАТнинг иктисадий самарадорлиги.
6. Техник-иктисодий ЭНАТнинг вазифалари.
7. “Энергетик текширув” ва “энергетик аудит” ўтказишида ЭНАТнинг ўрни.
8. Иккиласми энергетик ресурсларнинг асосий гуруҳлари ва улардан самарали фойдаланишида ЭНАТнинг ўрни.
9. Энергетик менежментнинг асосий инструментлари.
10. Энергетик балансни таҳлил этиш ва корхонанинг энергетик хўжалиги ҳолатини баҳолаш.
11. Саноат корхоналарида электр энергия сарфини камайтиришнинг асосий йўллари.
12. Хорижий мамлакатларда энергияни тежаш сиёсатининг амалга ошириш йўналишлари.
13. Ўзбекистоннинг ёқилғи-энергетик мажмуаси ва уни тежаш сиёсатини амалга ошириш йўналишлари.
14. Талаба-ёшларда энергиядан оқилона фойдаланиш маданиятини шакллантириш усуллари.
15. “Электр энергетика” йўналиши фанларини ўқитишида бўлажак мутахассисларнинг инновацион салоҳиятини шакллантириш йўллари.

Эслатма: Тингловчи келтирилган мавзулардан ихтиёрий бирини танлаб, шу мавзу асосида ижодий изланиб мустақил ишни тайёрлайди ва тақдимот ўтказиб беради.

ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

22. Аллаев К.Р. Электроэнергетика Узбекистана и мира, – Т.: «Fan va texnologiya», 2009. – 463 с.
23. Аллаев К.Р. Энергетика мира и Узбекистана, – Т.: Молия, 2007.- 388с.
24. Троицкий-Марко Т.Е., Будадин О.Н., Михалков С.А. Научно-методические принципы энергосбережения и энергоаудита. Т.1. Научно-методические принципы энергоаудита и энергоменеджмента. М.: //Наука, 2005. – 540 с.
25. Т.Х. Носиров, С.Э.Шаисматов. О создании автоматизированных систем коммерческого учета электроэнергии // Проблемы энерго- и ресурсосбережения, – Т.: ТашГТУ, 2006. - №3.
26. Электроэнергетика Узбекистана. // ГАК «Узбекэнерго», – Т., 2002.
27. Ожегов А. Н.Системы АСКУЭ: учебное пособие/– Киров: ВятГУ, 2006. – 102с.
28. СТО АТС 02.03.17 – 2003 Коммерческий учет на оптовом рынке электроэнергии. Автоматизированные информационно измерительные системы. Порядок допуска к приёмочным испытаниям. – М.: Стандарт, 2004. – 20 с.
29. Воронин А.В., Хамиянов А.Е., Образцов В.С., Смирнов В.Н., Ядыкин И.Б. Интегрированные автоматизированные системы учета энергоресурсов с применением многофункциональных счетчиков электрической энергии и мощности фирмы АББ // Промышленная энергетика, – М.: 2000. - №10
30. Васильева М.В., Гусялев А.М., Маштакова А.В. АСКУЭ для промышленных предприятий. // Промышленные АСУ и контроллеры, –М.: 2000. - №6
31. Многофункциональный счетчик электрической энергии типа «Альфа». Техническое описание и инструкции по эксплуатации. СП АББ ВЭИ Метрона. – М.: 1999.
32. Гуртовцев А.Л. О метрологии цифровых АСКУЭ и границах метрологической экспансии// Промышленные АСУ и контроллеры, – М.: 2007. - №5
33. Гуртовцев А.Л., Правила приборного учета электроэнергии. //Глобальный проект белорусских энергетиков. Новости ЭлектроТехники. 2004. - №6 (30)
34. Тубинис В.В. Создание автоматизированной системы учета и управления потреблением электроэнергии в Италии //Электро, –М.: 2004. -№4
35. Тубинис В.В. Особенности организации коммерческого учета электроэнергии в распределительных устройствах 6-10 кВ с токоограничивающими реакторами //Электро, –М.:2004. - №2
36. Тубинис В.В. Итальянская система дистанционного управления абонентской сетью // Электро, –М.: 2003. - №4

37. Гашо Е.Г., Ковылов В.К. Опыт эксплуатации АСКУЭ в ОАО «Белокалитвинское металлургическое производственное объединение» // Промышленная энергетика, – М.: 2002. - № 10
38. Задачи прогнозирования энергопотребления в интегрированной АСКУЭ // Энергосбережение, – М.: 2007. - №1, с.42-44.
39. Осика Л.К. О проблемах создания общероссийской системы коммерческого учета электроэнергии.// Энергетик, – М.: 2007. - №4, с.18-20.
40. Енэда Фумисигэ. Куки тева эйсэй когаку// J. Soc. Heat Aircond and Sanit. Eng.Jap. – 1987 – 61 - №2 –Р. 107-116 (Энергосберегающий проект Moonlight, Япония).
41. Закон Республики Узбекистан «О рациональном использовании энергии» №412-1 от 25 апреля 1997 г.
42. «Правила проведения энергетических обследований и экспертиз потребителей топливно-энергетических ресурсов» Постановление КМ РУз от 7 августа 2006 года № 164.

ИНТЕРНЕТ РЕСУРСЛАРИ:

1. <https://ecce-journals.rtu.lv/>
2. <http://www.elektr.polsl.pl>
3. <http://www.wydawnictwo.pk.edu.pl/>
4. <http://www.epe.tuiasi.ro>
5. <http://www.rtu.lv/en>
6. <https://www.labview.ru>
7. <https://www.matlab.com>
8. <https://www.energystrategy.ru>
9. <https://www.uzenergy.uzpak.ru>
10. <https://www.matlab.com>
11. <https://www.uzenergy.uzpak.uz>